

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
25-fevral
chorshanba
№ 8 (1486)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

ЁШЛАРНИ ИШЛИ ВА ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШ, ТАШАББУСЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда

Кўксарой қароргоҳида 24 февраль куни Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялар оралиги 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни самимий қўллаб-қувватлашда 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йиғитқизни эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етишини қайд этиб, ёшларга ўз имконияти ва қизиқишига мос иш топиши учун шароит яратиш энг муҳим масала эканини кўрсатиб ўтди.

Ўтган йили ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилгани, "Ёшлар бизнеси" ва "Келажак қадам" дас-

турлари ҳисобидан 15 минг нафар ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлагани таъкидланди.

Бу ишларнинг давоми сифатида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Бунда молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади: ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари учун 10 миллион сўмгача кредит ажратиш мумкин бўлади. Инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга рухсат берилади. Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида 1 мингдан зиёд иш ўрни яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун қўлай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

Жорий йилдан "Келажак тадбиркори" дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Хусусан, ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга

300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилиши белгиланди.

Шунингдек, тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қийинчиликка учраётгани қайд этилди. Шу боис, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш, ғояни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган "Ёшлар бизнес инкубатори" ташкил этилади.

Нуфузли хорижий олийгоҳлар илғор тажрибалар асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани қайд этилиб, камида 40 минг ёшни бизнесга ўргатадиган "Янги авлод тадбиркорлари" дастури бошлаб белгиланди. Дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши 1 минг нафар ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда берилади.

Ҳар йили "Ёш тадбиркорлар" танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш учун

"Ёшлар венчур" жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.

Жорий йил 1 мартдан янги иш бошлаётган ёш тадбиркорларга инфратузилмага уланиш билан боғлиқ давлат хизматларининг харажатлари Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси ҳисобидан қўллаб берилади.

Ижтимоий ташаббуслар бўйича "Фикрингни бер (Voice Up)" инклюзив оромгоҳи тажрибаси кенгайтирилиб, уни ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва 1 минг нафар ёшни қамраб олиш, энг яхши ташаббуслар иштирокида Самарқанд шаҳрида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

"Ўсиш ва ривожланиш (Upshift)" лойиҳаси доирасида бу йил медиа, дизайн, хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида ҳам танлов ўтказилади. Энг яхши 40 та стартапни молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилади.

Техникумларга ҳам олийгоҳлар каби "spin-off" очишга рухсат берилиб, ўқувчиларнинг стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача ажратилади.

ИЗҶОР



Ўткир РАҲМАТ

Излайман

Толемда ёзилгани, фақат ризку рўз излайман, Ёноқлари лоларанга-у меҳр тўла кўз излайман.

Кулиб турган гулчехралар жозибаси ажаб сирли, Иболи-ю ҳаё балққан дилга яқин юз излайман.

Ажиб гулзор айвонида минг бир турфа гул очилмиш, Гард инмаган, хуш ифорли ягона нарғиз излайман.

Вужудимга жон бахш этиб ҳарорату умид, ишонч, Ҳали-ҳамон айтилмаган буюк калом — сўз излайман.

Сомон йўли ичра ахир нелар ўтиб бормоқдадир, Кўҳна замин тупроғида ортда қолган из излайман.

Бу очунда бесаноқдир айтгуччи ҳам, ёзгуччи ҳам, Барчасини бир-бир қуриб гўзал маъно — туз излайман.

Ҳар битмаси ўз тоқида неларнидир этгай баён, Бу зарофат оламида бир "Митти юлдуз" излайман.

Тақдиримда бор экан у, тоқатим ҳеч тоқ бўлмағай, Бир излайман, ун излайман, топмагунча юз излайман...

Таъна қилманг излаганинг дея уни мўъжазгина, Ўхшаши йўқ бу дунёда мавжли бир денгиз излайман.

Аллоҳ назар солмас экан, улугворлик қайда ахир, Такрорланмас, ҳаволанмас жамоли тенгсиз излайман.

Ўқсинмагин, Ўткир, ҳаёт неъматини бергучидир, Гоҳ ёш тўкиб, гоҳ шодланиб, гоҳида унсиз излайман.

2026 йил 22 февраль.

* Абдулла ОРНОВнинг илк китобига ишора

ЭССЕ

АКА

Оиланинг тўнғичиман: акам йўқ. Ўзимга ўзим акалик қилган пайтларим бўлган, баъзида қанотимни ожиз билиб, ўқинганман. Худди сунъичиги йўқдай... Яратганинг изми билан қанотимда сенга ака, ука, дўст инсонларнинг ўзи тақдиринг остонасида пайдо бўлишаркан. Ниятинг Эгасига етиб боргач, ҳеч гапмас-да.

Аҳмаддон ака менга кўўп яхшиликлар қилган. Сурхон томонларда айтишгани каби "сон-саноққа қўшилишимда" у кишининг кўмаги бениҳоя.

Журналистика факультетида иккинчи курсда ўқирдим. Курсдош қиз: "Сен ҳақингда мақола чиқибди...", деб "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасини тутқазди. "Бош муҳаррирининг ўзи ёзибди", — деди ҳайратини яширмай. "Дарё ортидаги йиғи" қиссам ҳақида "Уруш кўрган одамнинг умри" деган катта мақола чиқибди. Адабиётда ўрни бор-йўқлиги номаълум, шунчаки бир талаба қаламқашга эътибор бериб, аяб, олқишлаб мақола ёзилгани ва бу эътирофнинг аҳамиятини ўшанда, очиги, англамаганман. Бу ижодим ҳақида энг биринчи тақриз эди. Аҳмаддон

ака билан ҳаётимда тузуқроқ гаплашмаган ҳам эдим.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ёшлар газетасида амалиёт ўтардим. Айтдим-ку, талаба эдим деб. У киши қаршимдан чиқсалар, салом бериб ўтиб кетардим. Бор-йўғи шу. Лекин Аканинг салобат-симбати ўзгача эди. Рўпарасида турсанг, сусти босиб қоларди. Ҳозир ҳам у кишига дуч келсам, ўша туйғунни ҳис қиламан. Хуллас, бугунги ўзбек журналистикасининг фидойиларидан бири, чин маънода зиёли, таржимон, адиб ва арбоб Аҳмаддон Мелибоевнинг ҳали ўзи яхши билмаган мендайн қаламқашга ишонч билдиргани қишдан сўнг ерни ёриб ўсаётган майса танасига ҳарорат, илдиизига куч-қудрат бахш этиш билан баробар эмасми?

Ака, умрингиз узоқ бўлсин! Сиз шу пайтгача "Сен ҳақингда мақола ёзганман", демагансиз. Сиздаги ички маданият ва зиё бу гапни айтишга йўл қўймаганини ҳам кейинчалик ҳис қилганман.

Аҳмаддон ака Президент Давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлаган кезлар газетамда мухбир эдим. Мақолаларим тез-тез чиқар, камига ҳали у, ҳали бу газетамда шеърларим ҳам босиларди.

4-6.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УЮШМА АЪЗОСИ ҚУТЛУҒ ЁШДА

Шундай инсонлар борки, уларнинг турмуш ҳаёти – ибрат ва мактаб. Мукамбар Қиличева ҳам кўпчилик ҳавас қиладиган ана шундай инсонлардан бири.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими ташкилотчилигида узоқ йиллар матбуот ва матбаа соҳасида меҳнат қилган аъзоси, фахрий журналист Мукамбар Қиличеванинг 80 ёшлик юбилей кечаси ташкил этилди.



Мукамбар Қиличева 1972 йилда ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Бир муддат Сирдарё вилояти телерадиозастиртириш кўмитасида ишлагач, Сирдарё матбуот уюшмаси бошлиғи, "Матбаа уюшмаси"нинг вилоят бўлими раҳбари, сўнгра бир неча йил вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, 21 йил "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё вилояти директори лавозимларида самарали фаолият олиб борган. Унинг аёл боши билан 500 нафардан зиёд кишилик катта жамоага бош-қош бўлиб, амалга оширган хайрли ишлари бошқа вилоятлардаги касбдошларига ибрат бўлган.

Дарвоқе, ўша кезларда почта (хат-хабарлар, газета-журналлар) пойтахтдан вилоятга турли сабабларга кўра кечроқ етиб келар эди.

2-6.

СИЙРАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ОЛИМ МАСЪУЛИЯТИ

ёки академик Қаландар АБДУРАҲМОНОВ илм мактаби ҳақида сўз

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёни мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб сифат ўзгаришларини талаб этмоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, тафаккур, илм-фан ва жамият олдидаги масъулиятни қайта англаш билан боғлиқ. Бугун олимдан фақат ўз соҳасида чуқур билимга эга бўлиш эмас, балки давлат тараққиётининг стратегик мақсадларини англаб, ислохотлар мазмунига илмий ва ҳаётий жавоб бера олиш талаб қилинмоқда. Аини шу нуқтаи назардан қаралганда, академик Қаландар Абдураҳмонов шахсияти ва илмий фаолияти ҳам Янги Ўзбекистон даврида олим зиммасига юкланган масъулиятнинг ёрқин ифодаси сифатида намойён бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти босиб ўтган йўл фақатгина рақамлар, кўрсаткичлар ёки статистик ўсиш тарихи эмас. Бу, энг аввало, инсон тақдир, меҳнат қадри, ижтимоий адолат ва жамият барқарорлигини таъминлашга қаратилган мураккаб жараён. Қаландар Абдураҳмонов ана шу жараёнларни иқтисод фанининг инсонпарвар моҳияти орқали англаб, таҳлил қилган олимлардан биридир. У иқтисод фанини бозор механизми ёки молиявий моделлар билан чеклаб қўймасдан, уни ижтимоий муносабатлар, инсон манфаати ва давлат масъулияти билан узвий боғлиқ ҳолда талқин



қилиб келди.

Янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳам айнан шу ёндашувни тақозо этмоқда. Бугун давлат сиёсати марказида "инсон — жамият — давлат" тамойили турибди. Иқтисодий ўсиш инсон ҳаёти сифатини яхшилашга хизмат қилмас, у ўз мазмунини йўқотади. Қаландар Абдураҳмоновнинг илмий қарашлари ва публицистик чиқишлари айнан шу ғояни илмий жиҳатдан асослаб, жамоатчиликка тушунарли тилда етказиб келаётгани билан аҳамиятли.

Олимнинг илмий фаолиятида меҳнат иқтисодиёти, аҳолининг иш бандлиги, инсон капитали, ижтимоий муҳофаза ва таълим сифати масалалари устувор ўрин тутди.

2-6.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ОЛИМ МАСЪУЛИЯТИ

ёки академик Қаландар АБДУРАҲМОНОВ илм мактаби ҳақида сўз

1-6. Бу йўналишлар Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияларида ҳам асосий устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Устоз олимнинг илмий ва жамоатчилик фаолиятида яна бир муҳим жиҳат бор: у иқтисод фанини давлат қарорлари қабул қилиш жараёнидан узиб қўйишга қарши. Унинг фикрича, илмий таҳлилсиз қабул қилинган ҳар қандай қарор қисқа муддатли натижа бериши мумкин, аммо узоқ муддатда ижтимоий муаммоларни кучайтиради. Шу боис олим доимо иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий оқибатларини олдиндан баҳолаш, илм-фан ва амалиёт ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этиш зарурлигини таъкидлаб келади.

Ушбу мақола академик Қаландар Абдураҳмоновнинг ҳаёт йўли ва илмий меросини юбилей ёки расмий таърифлар доирасида эмас, балки Янги Ўзбекистон даврида илм-фан зиммасига юкланган масъулият, жамият олдида турган долзарб вазифалар ва миллий тараққиёт стратегиялари контекстида таҳлилий-публицистик руҳда ёритишни мақсад қилади. Бу бир олим ҳақида ҳикоягина эмас, балки Янги Ўзбекистон шарафига илм-фан қандай бўлиши кераклиги ҳақида мулоҳаза юритишдир.

Албатта, ҳар қандай йирик шахс камолотида муҳит ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Олим шаклланиши фақат университет ёки илмий муассасадаги таълим билан чекланиб қолмайди. Унинг дунёқараши оилавий тарбия, ижтимоий муҳит, китоб ва устозлар таъсири орқали шаклланади. Қаландар Абдураҳмонов шахсиятининг камолотида ҳам ана шу омиллар узвий йўлдан ҳолда намоён бўлган.

Манбаларда таъкидланганидек, унинг болалик ва ёшлик йиллари китобга муҳаббат, билимга ҳурмат ва меҳнатсеварлик руҳида кечган. Бу муҳит ёш Қаландарда илмга нисбатан истеъмолич муносабат эмас, балки маънавий кадрият сифатида қарашни шакллантирди. Илм унга мақом ёки мансаб воситаси эмас, балки инсонни қомилликка етакловчи йўл сифатида англаш имконини берди.

Иқтисод фанини танлаш ҳам тасодифий қарор эмас эди. У жамият ҳаётида иқтисодий муносабатлар ҳал қилувчи ўрин тутишини, инсон тақдирини кўп жиҳатдан иқтисодий қарорлар билан боғлиқ эканини эрта англаган. Шу боис у иқтисод фанини инсон манфаатларини илмий асосда ҳимоя қилиш воситаси сифатида қабул қилди. Бу танлов кейинчалик унинг бутун илмий фаолиятида асосий методологик тамойилга айланган.

Талабалик йилларида Қаландар Абдураҳмонов иқтисодий назарияларни пухта ўзлаштириш билан бирга, жамият ҳаётидаги реал жараёнларга чуқур қизиқди. У фақат дарсликлардан истеъмолич муносабат эмас, атрофида содир бўлаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни кузатиш, таҳлил қилди. Бу даврда унда муҳим дунёқараш шаклланди: иқтисодий жараёнларни инсон омилдан узиб таҳлил қилиш мумкин эмас.

Мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимиз олдида турган иқтисодий муаммолар, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юзага келган ижтимоий қийинчиликлар унинг илмий қарашларини янада чуқурлаштирди. У иқтисодий ислохотларнинг фақат молиявий ёки институционал жиҳатларини эмас, балки уларнинг аҳоли ҳаётига таъсирини ўрганиш зарурлигини илмий асосда илгари сурди.

Қаландар Абдураҳмонов ёшлигида иқтисодий адолат, меҳнат қадри ва ижтимоий тенглик масалаларига бефарқ бўлмаган. У меҳнатни фақат иқтисодий категория сифатида эмас, балки маънавий қадрият сифатида ҳам баҳолайди. Бу ёндашув унинг илмий қизиқишларида, кейинчалик эса илмий мактабда ҳам асосий ғояга айланди.

Шу тариқа, Қаландар Абдураҳмонов шахсияти шаклланишида муҳит, тарбия ва онгли маънавий танлов ҳал қилувчи роль ўйнади. У иқтисод фанини инсон тақдирини билан боғлаб ўрганишга қарор қилган олим сифатида шаклланди ва бу қарор унинг бутун илмий ҳаётининг маънавий таянчига айланган.

Академик Қаландар Абдураҳмонов илмий фаолиятини тўлиқ англаш учун унинг тадқиқотларида шаклланган илмий мактаб моҳиятига эътибор қаратиш зарур. Чунки у алоҳида бир соҳада муваффақият қозongan олимгина эмас, балки муайян дунёқараш, методология ва илмий аънанани шакллантирган устоз сифатида ҳам танилган. Бу илмий мактабнинг асосий белгиси иқтисод фанини инсон манфаатлари билан боғлаб ўрганиш, уни жамият ҳаётидан узилган назарий фан эмас, балки ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи амалий илм сифатида талқин этишдир.

Таниқли олим илмий мактабда меҳнат иқтисодиёти марказий ўрин тутди. У меҳнат бозорини фақат талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанат сифатида эмас, балки жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий адолат ва инсон қадрининг муҳим мезони сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, меҳнат муносабатлари қандай шаклланди, жамиятдаги ижтимоий муҳит, фуқароларнинг давлатга ишончи ва тараққиёт суръатлари ҳам шунга мос равишда ўзгаради.

Устоз илмий тадқиқотларида иш билан бандлик сиёсати оид масалалар устувор ўрин эгаллайди. У аҳолини иш билан таъминлаш фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминловчи муҳим институционал омил сифатида талқин этади. Иш билан бандлик даражаси юқори бўлган жамиятларда камбағаллик кўламининг қисқариши, ижтимоий зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар хавфининг пасайиши кузатилади. Шу нуктага назардан, Қаландар Абдураҳмонов иш билан бандлик сиёсатида давлатнинг фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш тизимини изчил ривожлантириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Инсон капитали назарияси ҳам унинг илмий мактабда муҳим ўрин тутди. Олим инсонни иқтисодий жараёнларнинг пассив иштирокчиси эмас, балки асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўради. Таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, касбий малака ва ижтимоий ҳимоя инсон капитали ривожининг ажралмас қисми. Қаландар Абдураҳмоновнинг тадқиқотларида бу омиллар иқтисодий ўсиш билан узвий боғлаб таҳлил қилинади.

Унинг илмий мактабда иқтисодий ўсиш тушунчаси ҳам қайта талқин этилади. Олим иқтисодий ўсишни ялпи ички маҳсулот ўсиши билан чеклаб қўйишга қарши. Унинг фикрича, агар иқтисодий ўсиш аҳоли даромадлари ошиши, ижтимоий ҳимоя кучайиши ва ҳаёт сифати яхшиланиши билан бирга бормаса, бундай ўсиш барқарор ҳисобланмайди. Бу қараш Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар фалсафаси билан тўлиқ уйғун.

Қаландар Абдураҳмонов раҳбарлигида шаклланган илмий мактабда ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Устоз сифатида у ёш олимларга тайёр қилишларни тақдорлаш эмас, балки мустақил фикрлашни ўргатади. Миллий иқтисодий муаммоларни глобал тенденциялар билан қиёсий таҳлил қилиш, халқаро тажрибани миллий шарт-шароитга мослаштириш унинг илмий мактабининг муҳим услубий жиҳатларидандир.

Илмий мактабда назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик устувор аҳамиятга эга. У иқтисод фанини амалиётдан узиб қўйишга қарши. Олимнинг фикрича, илмий тадқиқотлар давлат сиёсати, иқтисодий дастурлар ва ижтимоий ислохотлар учун амалий тақлифлар бериши керак. Шу боис унинг шоғирдлари ҳам илмий ишларда фақат назарий хулосалар билан чекланиб қолмай, аниқ тавсиялар ишлаб чиқишга интилади.

Олим иқтисод фанини ўқитишда замонавий методлар, таҳлилий фикрлаш ва ҳаётий мисолларга таяниш зарурлигини таъкидлайди. Дарслик ва ўқув қўлланмаларида иқтисодий жараёнлар жонли мисоллар, миллий тажриба ва халқаро қиёсалар орқали тушунирилади. Бу ёндашув ёшларда иқтисод фанини қурак назари эмас, балки ҳаёт билан боғлиқ фан сифатида қабул қилишга ёрдам беради.

Устоз яратган илмий мактаб илмлар давомида шаклланган ва такомиллашган тизим. Бу мактабда иқтисод фанининг инсонпарвар моҳияти, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат ва амалий таҳлил устувор аҳамият касб этади. Айнан шу жиҳатлар унинг илмий мактабини Янги Ўзбекистон шарафига айниқса долзарб қилади.

Лўнда қабили айтганда, бу мактаб иқтисод фанини инсон манфаатлари билан боғлаб ўрганишга қаратилган, миллий тараққиёт вазифаларига хизмат қилувчи мустаҳкам интеллектуал платформа ҳисобланади. Бу мактаб нафақат бир олимнинг илмий мероси, балки Янги Ўзбекистонда иқтисодий тафаккур қандай йўналишда ривожланиши кераклигини кўрсатиб берувчи муҳим тажриба мактабидир.

Янги Ўзбекистон шарафига академиклик мақоми мазмунан янги босқичга кўтарилди. У фақат илмий унвон ёки шахсий ютуқлар рами эмас, балки жамият олдидаги юксак масъулият мезони сифатида қаралмоқда. Бугун академик олимдан давлат тараққиётининг устувор йўналишларини англаш, ислохотлар мазмунига илмий жавоб бериш, қабул қилинаётган қарорларнинг ижтимоий оқибатларини таҳлил қилиш талаб этилади.

Олимнинг академик сифатидаги фаолияти иқтисод фанини давлат сиёсати билан уйғунлаштиришга қаратилган. Қаландар ака иқтисодий ислохотлар самарадорлигини фақат молиявий ёки институционал кўрсаткичлар билан эмас, балки уларнинг инсон ҳаётига таъсири орқали баҳолаш зарурлигини илмий асослаб келади. Унинг фикрича, иқтисодий сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилгандагина барқарор ва ижтимоий қўллаб-қувватланадиган бўлади.

Миллий илмий сиёсатда инсон капитали, меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоя масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланган. У бу масалаларни иқтисод фанининг марказига қўйиб, давлат дастурлари ва стратегик ҳужжатларни илмий жиҳатдан асослашда фаол иштирок этиди. Академик сифатида у илм-фаннинг

давлат қарорлари қабул қилиш жараёнидаги таъсирини кучайтириш тарафдори бўлиб келмоқда.

Устоз академик позициясида яна бир муҳим жиҳат бор: у илм-фан ва амалиёт ўртасидаги узилишни бартараф этиш зарурлигини доимий равишда таъкидлайди. Унинг фикрича, илмий тадқиқотлар фақат мақолалар ва ҳисоботлар билан чекланиб қолмаслиги, балки давлат сиёсати ва жамият ҳаётида аниқ натижа бериши керак. Шу боис у илмий муассасалар, университетлар ва давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, экспертлик институтини ривожлантириш ташаббусларини илгари суриб келди.

Глобаллашув шароитида миллий илм-фаннинг нуфузи халқаро майдондаги иштироки ва таъсири билан баҳоланади. Академик Қаландар Абдураҳмонов фаолияти ана шу мезон нуктага назардан ҳам эътиборга молик. Унинг илмий ишлари, таҳлилий чиқишлари ва экспертлик позицияси хорижий илмий ҳамжамият томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни англашда муҳим манба сифатида қабул қилинмоқда.

Халқаро нашрларда эълон қилинган мақолалар ва интервюларда устоз ўзбек иқтисод фанининг вакили сифатида, миллий тажрибани халқаро илмий мезонлар асосида таҳлил қила олган олим сифатида эътироф этилган. Бу эътироф тасодифий эмас. Чунки у глобал тажрибани кўр-кўрона кўчириш эмас, балки уни миллий шарт-шароит, ижтимоий тузилма ва маданий хусусиятлар билан уйғунлаштириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Олим халқаро ҳамкорликни миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илмий мактабини ривожлантириш воситаси сифатида кўради. Унинг фикрича, халқаро мулоқот миллий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш, янги ёндашувлар ва инновацион ғояларни ўзлаштириш учун муҳим имконият яратди. Бироқ у ҳар қандай ҳамкорликда миллий манфаат, илмий мустақиллик ва мувозанат сақланиши шартлигини таъкидлайди.

Қаландар Абдураҳмоновнинг халқаро майдондаги эътирофи, аввало, унинг илмий ҳолислиги ва таҳлилий чуқурлиги билан боғлиқ. У иқтисодий тараққиётни сиёсий широрлар ёки умумий декларациялар орқали эмас, балки аниқ кўрсаткичлар, инсон фаровонлиги ва ижтимоий барқарорлик мезонлари асосида баҳолайди. Бу ёндашув халқаро экспертлар учун ҳам тушунарли ва ишончлидир.

Халқаро илмий майдонда у Ўзбекистон иқтисодий ислохотларининг моҳиятини тўғри ва асосли тарзда тушунириб келмоқда. Меҳнат бозори, ижтимоий ҳимоя, инсон капитали ва таълим сифатида оид масалаларда унинг илмий хулосалари миллий тажрибанинг умуминсоний қоидалар билан уйғунлигини намоён этади. Бу эса Янги Ўзбекистон иқтисодий моделининг халқаро миқёсда тўғри қабул қилинишига хизмат қилмоқда.

Шу маънода, машҳур олим миллий илм-фан учун халқаро кўприк вазифасини ўтайди. Унинг илмий позицияси орқали Ўзбекистон иқтисодий ислохотларининг мазмуни, мақсадлари ва инсонпарвар йўналиши халқаро ҳамжамиятга етказилмоқда. Бу жараён миллий иқтисод фанининг нуфузини ошириш, ўзбек илмий мактабининг глобал илмий маконда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

вонча тўлди. Шу билан бирга, ташкил этилган тўқин даврда аҳолида янада қизиган суҳбат қуриб, олам-олам таассуротларга эга бўлди. Бунинг учун барча-барчамиз ташкилотчилардан жуда миннатдоримиз, — деди фахрий журналист Тожиғул Давронова.

Тадбирда устоз журналистларга Уюшма вилоят бўлими томонидан китоблар ва эсдалик совғалари тўхфа этилди.

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Кармана тумани Ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида педагогика фанлари доктори, фахрий ижодкор Камол Йўлдошевнинг "Илмга йўғрилган умр" деб номланган янги китоби тақдимоти ўтказилди.



Унда карманалик фахрий ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир давомида сўзга чиққан уюшма аъзолари, ижодкорлар ва фаол китобхонлар муаллиф қаламга олган мавзулар ранг-баранглиги, илгари сурилган мавзуларнинг ёшлар маънавий тафаккурини оширишдаги ўрни, илм-маърифатнинг аҳамияти хусусида сўз юритишди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

УЮШМА АЪЗОСИ ҚУТЛУҒ ЁШДА

1-6. Ўшанда М.Қиличева "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик жамияти раҳбарияти билан келишиб, "Тошкент-Ховос" электропоездининг Гулистон вокзалида тўхташ вақтини бир неча дақиқага узайтириб, почта юкини туширишга эришган ва бунинг натижасида барча жўнатмалар, энг муҳими, марказий матбуот нашрлари ўз вақтида эгаларига етиб бориши таъминланган.

Тадбирда сўзга чиққан "Ишон" газетасининг вилоят муҳбири, шоира Б.Холбекова, "Янги Сирдарё" газетасининг бўлим муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Х.Пардабоева, "Гулистон ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Б.Норжигитова, фахрий журналист Т.Норкуловлар юбилярининг умр йўли бекетлари, рамзий маънода, қадами етган манзиллари тўғрисида эхтиром билан гапирдилар.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раиси Бойжигит Абдуллаев М.Қиличеванинг матбуот ва матбаа соҳаларидаги фаолиятини эътироф этган ҳолда уни юбилей ёши билан қутлаб, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг "Фахрий ёрлиги" ва эсдалик совғасини топширди.

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ХОНАДОНИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ташкилотчилигида Бухоро давлат университети филология факультети журналистика йўналиши талабалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Эл-юрт хурмати" ордени ва "Олтин қалам" миллий мукофоти соҳиби Жаҳонгир Исмоилов хонадонид бўлишди.



Жаҳонгир Исмоилов қирқ йилдан зиёд умрини миллий матбуот равнақига бағишлаган фидойий ижодкор. У фаолиятини Бухоро давлат педагогика институтини газетасидан бошлаб, "Бухоронома", "Бухарский вестник" газеталарида муҳаррирлик даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

"Бухоро муаллими", "Истиқлол гунчалари", "Истеъдод" газеталарига асос солиб, қўллаб ёш ижодкорларни тарбиялади.

Учрашув давомида устознинг ижодхонасида маҳорат дарслари ташкил этилди. Назм, наср ва публицистика йўналишларида тажриба алмашилди, масал, матал, тақриз ҳамда бадий асарлар юзасидан самимий суҳбатлар бўлиб ўтди.

Устоз ўз ижод намуналаридан ўқиб бериб, ёшларга катта илҳом улашди.

— Бугунги учрашувдан кўзланган мақсад, устозларнинг бой тажрибаси ва фикр-мулоҳазаларидан баҳраманд бўлиш, — деди Уюшманинг вилоят бўлими раиси Г.Иброҳимова.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Сурхондарё вилоятида ўзига хос журналистика таърибаси шаклланган бўлиб, Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров, Норкул Ҳайиткулов, Болта Ёриев, Болтажон Содиқов, Соатмурод Жўрақулов, Гелдатур Саидмаликов, Жамила Эргашева, Даврон Ғуломов каби истеъдодли қалам соҳиблари фаолият юритган. Улар билан ҳамкасб бўлган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган устоз-журналистлар ҳам борки, уларнинг ҳаёт йўллари бугун ёш журналистлар ва ижодкорлар учун бебаҳо сабоқ ҳамда тажриба вазифасини ўтайди.



Яқинда Термиз шаҳридаги Матбуот уйда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан "Уч авлод учрашуви" ташкил этилди. Унда уюшма аъзолари бўлган Ёқубжон Норбоев, Мавжуда Насруллаева, Тожиғул Давронова, Комила Юсупова, Норқувват Тураев, Абдулла Холмирзаевлар ўз хотиралари билан ўртоқлашиб, фаолиятлари ҳақида ёш журналистларга, оммавий ахборот воситалари ходимларига сўзлаб беришди.

— Ушбу учрашув туфайли ҳамкасблар билан дийдорлашиб, қалбимиз қу-

ЁШЛАРНИ ИШЛИ ВА ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШ, ТАШАБУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

1-6. Жорий йилдан техник ум ўқувчилари учун ҳам "Ишла ва саяхат қил (Work and travel)" дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, қўшимча даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлқира харажатлари учун ссуда ажратилади.

Хусусий ўқув марказлари уюшмасини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уюшма аъзоси бўлган марказларга биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинмаган даромад ва фойда солиғини тўлашдан озод этилади. Бундай марказлар ўқитувчиларини илгор таълим марказларига стажировкага юбориш амалиёти йўлга қўйилади.

"Кўмак" дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказларининг фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача физсиз ссуда берилади. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фоиз, ўқитувчилар даромад солиғини 7,5 фоиз миқдорда тўлайди (ҳозир 12 фоиз).

Жойларда эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига қўшимча имтиёзлар берилиши белгиланади: ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади, коммунал харажатларининг ярми қоплаб берилади, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ "кешбек" тариқасида қайтарилади.

Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Васийлик кенгашини тузиш, Ёшлар ишлари агентлигида "Волонтерликни қўллаб-қувватлаш" жамғармасини ташкил этиш режалаштирилди. Жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўм, қўшимча равишда маҳаллий бюджетлардан 3 миллиард сўмдан ажратилади. Шунинг ҳисобидан волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грант берилади, "ижтимоий фаоллик картаси" орқали балл тизими жорий этилади.

Йиғилишда ёш оилаларни қўл-

лаб-қувватлаш, китобхонликни оммалаштириш масалалари ҳам кўтарилди.

Ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилиши айтилди. "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш" жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма бериб, бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ҳамда миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярмини қоплаш белгиланди.

Янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўпلامни тайёрлаб, барча мактаб ва техникумларга етказиб, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан мукофотлаш вазифаси қўйилди.

Кутубхона, "book safe" ва китоб дўкони очиб, ойига 10 минг донадан ортиқ китоб сотувини йўлга қўйган тадбиркорларга 3 йилга 1 миллиард сўмгача 7 фоизли ссуда бериш механизми назарда тутилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларнинг жамиятга тез мослашиши учун "Иккинчи имкон" лойиҳаси бошланishi маълум қилинди. Унга кўра 8-12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқитиш орқали даромадли ишга эга бўлишига шарт-шароит яратилади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг турли соҳаларга оид тақлиф ва ташаббусларини тинглади.

Тадбир давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қўрсатилган қароргоҳида бўлиб ўтган ёшлар билан мулоқот доирасида "Рақамли технологиялар йў-

налишида энг яхши стартап" — "President Tech Award" лойиҳаси ғолибарининг тақдими билан танишди.

Мазкур танлов Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги кўмагида 2023 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда. Унинг умумий мукофот жамғармаси 1 миллион долларни ташкил этади.

Танловда сунъий интеллект, ижтимоий технологиялар, "MicroSaaS" ва "AdTech", молиявий технологиялар ва тадбиркорлик, ўйин дастурлари ҳамда маҳсул йўналиши — хакатон бўйича энг намунали лойиҳалар танлаб олинди.

Илк ташкил этилган танловда тўрт мингдан зиёд иштирокчи қатнашган бўлса, 2025 йилга келиб, иштирокчиларнинг сони олти мингга яқинлашди. Жамоаларнинг сони эса 444 тадан 862 тага етди.

Давлатимиз раҳбарига танлов ғолиблари ўзларининг стартап лойиҳалари, уларнинг афзалликлари ва амалий самараси хусусида сўзлаб берди.

— Биз кичик стартаплар катта-катта лойиҳаларга, даромадли бизнесга айланиши учун зарур шароитларни яратиб беришга тайёрмиз. Бунинг учун ҳар бир стартапчи билан мулоқот қилиш, унга керакли ёрдамни кўрсатиш лозим, — деди Президент.

Ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш орқали келажак касбларига замин яратилаётгани, дунё давлатлари ҳам ёшларнинг стартап лойиҳаларига алоҳида қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

Президентимиз стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга маблағлар янада кўпайтирилишини айтиб, ёшлар ўзларининг янгича қарашлари ва ғоялари билан яна қайси соҳа ва йўналишларда изланиши кераклиги юзасидан тавсияларини берди.

Ў.А.



ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ БИР МАЙДОНДА:

ТАШАБУС ВА ИМКОНИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Яқинда Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида "Янги авлод етакчилари" мактабининг ўқув семинари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир пойтахтдаги олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ёшлар етакчиларини бир майдонга жамлагани билан аҳамиятли бўлиб, бундай интеллектуал мулоқот муҳити ҳар доим ҳам буй кўрсатавермайди.

Тадбирни институтнинг ёшлар масалалари ва маъна-



вий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Алишер Каримов олиб борди. У ўз сўзида ёшлар етакчилари фаолиятида тизимли ёндашув, шахсий масъулият ва замонавий кўникмаларнинг ўрни ҳақида тўхтади.

Шунингдек, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши бўлими бошлиғи Комилжон Суярлов "Янги авлод етакчилари" лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва унинг амалий аҳамияти хусусида фикр билдирди.

Тадбирнинг асосий қисми амалий ва интерактив руҳда ташкил этилди. Шахсий бренд бўйича эксперт Салай Маткаримов "Ёшлар етакчиси учун шахсий брендини шакллантириш стратегиялари" мавзусида қизиқ қилиб, етакчининг жамоатчилик олдидаги қиёфаси, ишонч капитали ва профессионал обрўсини шакллантириш механизмлари ҳақида



аниқ тавсиялар берди. Тадбирда қатнашган банк ходими Ҳожимурод Тожибоев "Замонавий етакчиликда иш фаолияти ва медиа воситаларидан самарали фойдаланиш" мавзусида маъруза қилиб, рақамли майдонда тўғри позиция танлаш ва аудитория билан самарали мулоқот юритиш йўллари хусусида сўз юритди.

Семинар доирасида меҳмонлар институтда яратилган замонавий шарт-шароитлар билан ҳам танишдилар. Хусусан, "Jalinga" медиа студияси, ахборот-ресурс маркази ҳамда замонавий лаборатория хоналари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Таълим ва амалиёт уйғунлашган муҳитда ёшлар билан ишлашнинг самарали модели шакллантирилган алоҳида эътироф этилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди. Энг муҳими, ушбу семинар ёшлар етакчилари учун янги билим, янги қараш ва янги мулоқот майдонини яратди.

Қўвончлиси, Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институтида ташкил этилган ушбу учрашув оддий бир тадбир эмас, балки ўзаро ҳамкорлик ва келажак режалари учун мустаҳкам платформага айланди, дейиш мумкин. Ёшлар етакчиларини бир жойга жамлаган ушбу майдон эса, табиийки, ўзига хос воқеа сифатида ташаббускор ёшларнинг ёдида қоладиган бўлди.

Содиқжон ЯКУБОВ,

Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти профессори.

ОГОҲ БЎЛИНГ

ТЕКИН ПИШЛОҚ

Эрта баҳорнинг илик нафаси шаҳар кўчаларини аста эркалаб турган бир оқшом эди. Осмонда шом пардаси ёйилиб, ҳавода намхуш тупроқ ва янги уйғонган гуллар ҳиди сезилар, табиат ҳам гўё бир лаҳза тин олиб, ҳаёл суришга чорларди. Мен эса ёзув-чизувларим билан машғул, ижтимоий тармоқ саҳифалари орасида сарсон изланар, фикрларимни тартибга солиш билан овора эдим.

Тўсатдан экранда номаълум "админ"дан хабар пайдо бўлди. "Ассалому алайкум! Акция гуруҳимизда қатнашиб қолдингиз. Сизга акциядорлик жамиятимиз томонидан 5 миллион 170 минг сўм пул мукофоти ажратилди. Пластик картангизни ташласангиз, ўтказиб берар эдик".

Кутилмаган "бахт" эшигимни қоққандек бўлди. Бир лаҳзага инсон қалбидagi табиий қизиқиш уйғонади: "Ростмикан?" Аммо шубҳа ҳам соядек эргашади. Ҳали иккилашиб улгурмасимдан, овозли хабар келиб тушди: "Тезроқ ҳаракат қилсангиз, тасдиқлаб юборар эдик..."

Шошқалоқлик — фарибгарнинг энг ишончли қуроли. Улар инсонни уйлашга қўямасдан, ҳиссиёт тугмаларини босишга уринади. Лекин бу ҳолат мен учун янглик эмас эди. Ахир "менинг хакаргина болам" шохида юрса, мен баргида юраман. Яъни замон қадам ташласа, биз ҳам хушёр юришни ўрганишимиз шарт.

Ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ижтимоий тармоқларда бонг уриб, аҳолини киберхужумлардан огоҳлантираётгани бежиз эмас. Ҳар куни кимнингдир ишонувчанлиги, кимнингдир соддалиги қимматга тушмоқда. "Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади", деган нақл замонавий тус олган — энди қопқон темир эмас, рақамли экран ортида лиқнона. Шунинг учун бу мавзун тегизна нотаниш админга спам бериш орқали тугатиб қўя қолдим. Шу ўринда машҳур ўзбек ёзувчиси Гафур Ғулومнинг бир хикояси ёдимга келди. Ва бу вазият ҳақида хаёлимда пайдо бўлган фикрларимни баён этишни, оқ қозони қоралашни хоҳлаб қолдим.

Атоқли ўзбек адиби, таржимон ва жамоат арбоби, академик шoir Гафур Ғулom қаламига мансуб машҳур "Менинг ўргинга болам" хикоясида бир кечалик сўхбат орқали бутун бир замоннинг дарди очилади. Томга чиққан ўғри билан етимларнинг бувижони "қора буви" Роқиябийи ўртасидаги мулоқот жиноят ҳақида эмас, балки тирикчилик ҳақидаги сўхбатдир. Уша давр ўғриси девор ошарди. Бугунги эса деворсиз дунёда яшайди.

Ўргинга — тугма жиноятчи эмас. У қосибнинг боласи. Замон тексари айланган, уруш, қашшоқлик, ишсизлик уни томга чиқарган. У бойниқига тушолмайди: ҳимоя кучли, уларнинг паҳсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг қўрасида эшакдай-эшакдай иккита-учтадан итлари бор. Бокитасиникида милтиқ ушлаган гороудой туради. Шунинг учун ҳам камбағалниқига тушади, чунки девор паст, ҳимояси йўқ.

Бугун деворлар паҳсадан эмас, паролдан. Қулфлар темирдан эмас, шифрдан.

Ҳозирги замонавий ўғри бу — хакер. У уйингиз томига эмас, "Wi-Fi" тармоғингизга чиқади, қозонингизни эмас, банк картангизни олади, қопни эмас, маълумотни кўтаради, итлардан эмас, анти-вирусдан қочади. Кечаги ўғри болта олиб юрган бўлса, бугунгиси ноутбук кўтаради. Лекин савол ўша-ўша: уни томга қим чиқарди?

Ҳикояда "Қора бувижон" айтиди: "Замон қаттиқ, ўргинга болам". Бугун ҳам қўп ёшлар илмсизликдан, бекорчиликдан, тез бойиш вавасасидан, интернетдаги сохта "осон пул" рекламасидан, ижтимоий тенгсизликдан йўлдан адашади.

Кечаги ўғри қорни учун йўқчиликдан таваккал қилган. Бугунгиси эса тўқчиликдан баъзан ҳирс учун, баъзан қизиқиш учун, баъзан эътироф учун қияпти бу кингир ишни.

Ўргинга бола етимларнинг қозонини олмай кетади. Тўғри, у ўғри, аммо қалби бутунлай ўлмаган ўғри. Бугунги кибержиноятчилар эса пенсионерларнинг жамғармасини, талабаларнинг контракт пулини, беморларнинг даволаниш маблағини ҳам тортиб олишдан тоймайди. Бу ерда муаммо инсон ёки замонда эмас, аксинча, муҳит, тарбия масаласи ўртага чиқади.

Кечаги бувижон ўғрини дуо қилади. Уни қаргамайди. Чунки у инсон эди. Ҳозир-чи, ҳозирги "ўғри"нинг юзи йўқ. У экран ортида. Исми сохта, сурати сохта, овози ҳам, ақтимоли, сунъий. У сизнинг кўзингизга қараб турмайди, уялмайди, андиша қилмайди. Унинг қўли эшик тутқичини эмас, қалбнинг ишончини бурайди. Илгари ўғри уйингизга кирган бўлса, бугун у телефонингизга кирди. Илгари қулфни синдирган бўлса, бугун ишончларни синдиради.

"Қора буви" ўғрини дуо қилади, чунки қаршисида одам турган. Инсонни инсонийлик билан енгиш мумкин эди. Ҳозир эса кўпинча тугмалар, алгоритмлар, ниқоблар ортидаги нафс билан юзма-юзмиз. Бу ерда дуо ҳам, қарғиш ҳам экранга урилиб қайтиб келади.

Аммо барибир савол очик: инсонийлик қаерга кетди? Балки, у йўқолмаган, фақат яшириниб қолгандир. Балки, бугун бизга бувижоннинг дуосидан ҳам кўра хушёрлиги керакдир. Чунки меҳр сақлансин, лекин ишонч синалсин. Раҳмдиллик қолсин, лекин соддалик эмас.

Бугун бизга фақат қаттиқ жазо эмас, балки тўғри таълим, кибермаданият, ахлоқий тарбия, адолатли иқтисод керак.

Чунки деворлар қанча банд бўлмасин, агар замон қаттиқ бўлса, кимдир барибир томга чиқади. Шундай экан, масала томи мустаҳкамлашда эмас, балки инсонни мустаҳкамлашда. Уни ўқитишда, илмли қилишда!

Фотима РЎЗНЕВА,

Қашқадарё вилояти Ғузor тумани ахборот кутубхона маркази абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизмати раҳбари.

АЧЧИҚТОШ

БОТҚОҚҚА БОТГАН ВАЪДАЛАР

ёхуд Дўстлик маҳалласи қачон обод бўлади?

Қашқадарё вилояти Касби тумани марказидаги Дўстлик маҳалласида Алишер Навоий кўчаси бор. Ана шу маҳалла идораси ёнидаги йўлга қарасангиз, гўё қора булут ерга тушгандай: чуқурлар, қулмақлар, лой. Қишда — ботқоқ, ёзда — чанг-тўзон. Шу йўл тўғрисидаги кўчада аҳоли сарқатнов: кекса авлод вакиллари, мактаб ўқувчилари, боғчага қатнайдиган болалар, кўшни маҳалла ва қишлоқ аҳли ўтади.

Аҳоли оғзаки-ёзма равишда бирикки марта эмас, қайта-қайта Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Касби туман ҳокимликлари мурожаат қилишди. Утган йили маҳалла фуқаролари номидан Иқтисодиёт ва молия вазири Ж.Қўчқоров ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Зоҳидова расмий хат йўлланди. Мурожаатда Президентнинг 2024 йил 23 сентябрдаги "Камбағалликдан фаро-

вонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги қароридан энг оғир аҳволдаги 1000 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш чоралари белгилаб берилгани эслатилади. "Дастурда Дўстлик маҳалласини асфальтлаш учун 1 миллиард 950 миллион сўм ажратилиши қайд этилгани эслатилади. Шундан сўнг вазирилик вакиллари келиб, режалар билан таништирди. Одамлар ишонди. Дуо қилди. "Йўлимиз ниҳоят асфальтланади", деб умид қилди", — деди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Олим бобо Тўраев.

Аммо бугун натижа қани? "Маблағ ажратилмаган" деган баҳона билан ишлар кечиктирилмоқда. Холбуки, маблағ ажратилиши ҳужжатларда қайд этилган. Ахир қарор бор, режа бор, учрашув ўтказилган бўлса — нега йўл ҳали ҳам абгор, ботқоқ?

Бу оддий йўл масаласи эмас. Бу — болалар хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги, инсон қадр масаласи. Алишер



Навоий кўчасидан бошланиб, Шодлик, Оқолтин кўчаларидаги ахвол ўта ачирарли.

Туман марказидаги кўчалар шу аҳволда бўлса, чекка қишлоқлардан нима кутиш мумкин?

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, масъул идоралар! Эл сизлардан амалий қадам кутаяпти. Ваъда қозғода эмас, йўлда кўринсин!

Дўстлик маҳалласи аҳолиси янги Ўзбекистонда ботқоққа эмас, фаровонлик сари юришни исташади.

Бу танқидимиз ҳаракатга, инсофга қақриқ.

Шавкат ҚАРОМОВ,
журналист.



1-6. Бир куни катта тадбирда иштирок этдим. Йиғинни Аҳмаддон ака олиб бордилар. Давлат сиёсати даражасидаги мавзулар айтиб ўтилди, журналистлар билан очик мулоқот тусида кечган шу машваратдан сўнг, йўлакча чиқишим ҳамона кимдир Аҳмаддон ака чақираётганини айтди. Қарасам, Ака мен томон келяптилар. Қўл бериб кўришдик. Мени четга олиб чиқдилар-да, чўнтак қовладилар, ээй, пул чиқариб, менга узатдилар: "Ма, шу пулни олиб кўй". Довдирдим: "Нима қиламан буни?" — дедим аллахиёл бўлиб. "Ҳозироқ бориб расмага тушасан. Газет-журналларда нуқул битта расминг чиқяпти, нима, бошқа расминг йўқми?" Тошдай қотдим.

Катта-кичик йиғинларда иштирок этмайин, Ака менга кўзлари тушса, исминми айтиб, шу даврада менинг ҳам борлигимни бошқаларга билдириб кўярдилар. Бу инсоннинг менга бўлган меҳридан ич-ичимдан севиная, ҳаётда шундай яхши одамлар борлигидан қувонардим.

Ака билан ҳаётда бунчалик яқинлигимиз ҳам йўқ эди, қунора гаплашиб, кўришиб ҳам турмасдик.

Кейинчалик "Дўрмон" ижод уйда кўшни бўлиб яшаганимдан кейин бу инсоннинг ўта сэмимий ва ҳазилқисс, одамгарчилиги баланд, ўзбекона оқибат туйғуси жуда юқори эканлигини англаб етдим.

Ижод уйидан то катта йўлгача икки чақиримдан кўпроқ пиёда юриб ишга қатнайман. Бир куни эрталаб қоп-қора "Мерседес" ёнимга келиб тўхтади. Орқа эшик очилди. "Нега турибсан, ўтир..." Қарасам, Аҳмаддон ака. У кишининг хизмат машинасида кетяпмиз. "Ишга келишсан-да". "Ҳимм..." "Йўл ҳам узоқ-да-а?" "Ҳимм..." Нима ҳам дейман? Хижолат тортаман. Кимсан, Давлат маслаҳатчиси машинани тўхтатиб, сени ёнига ўтказиб олса, шошиб қоларкансан.

Тахририятга келсам, бош муҳаррир ўринбосари Алимқул Султонов ўдағайлаиди (у жуда яхши одам, жажли чикса, юзи бирдан қип-қизариб кетади, лекин кўнгли очик, тиниб-тинчмайди): "Веей, қаерларда юрибсиз, хар куни кеч қоласиз-а?" Шу тобда унга: "...мени Аҳмаддон Мелибоев ишхонамга олиб келдилар, энди менга ҳадеб тиш қайраверман", — десам-ку, тамом, довдираб қолиши аниқ. Балки, ишонмас ҳам. Лекин мен бундай дея олмайман. Индамас қўяман. Ахир озгина камтарлик ҳам бор-да ўзимда.

Ҳафтада икки-уч марта Ақанинг машинасига дуч келаман. Тўхтади. Ишхонага ўнғай жойда қолдириб кетади. Одамга нуқулай денг. Охири ортимга қараб-қараб юрадиган бўлдим. Қора "Мерс" кўрсина, арча-парчанинг панасида бекиниб тураман. Ўтиб кетгач, йўлга чиқаман. Кеч қолаётган бўлсам ҳам ўзимни енгил ҳис қиламан. Майли, Алимқул ака уришса уришар...

Аҳмаддон ақанинг яхши одати бор. Ҳар тонгда уч-тўрт чақирим пиёда юради. Боғни айланади, икки-уч чақирим наридаги темир йўлгача бориб келади. Эрта тонгда ҳам бир-бири-мизга дуч келаверамиз. "Саҳар пайти юришининг хосияти кўп. Ҳаёлингда бугун қиладиган ишларини режалаштириб, муҳими, ёзадиган нарсаларининг пишитиб олсан, яхши фикрлар келади", — дейди Ака.

Мана бугун ҳам, орадан қанча йиллар кечди, эрта тонгда одатдагидай ўзим учун кераклик чақирим йўлни пиёда юриб ўтарканман, Ақанинг шу гапларини эсладим. Очиги, кўпгина ҳикояларим сюжетни ёки ечимни шу тонги юришлар пайти ҳаёлимга келиб қолади... ва бирдан Ақани эслаймав.



Яна ўша "Дўрмон" ижод уйи. Бир куни Ака атрофига симтўсиқ тортилган ҳовлимизга кириб келдилар-да, кўнглимга тегмайдиган қилиб гап очдилар: "Ҳовлининг сетка билан ўралгани яхши. Лекин атрофидан ичкари кўринмайдиган қилиб девор тортишинг керакка ўхшайди. Чунки оиланг, болаларинг юришади. Ўзбекчилик, деган гаплар бор... Унча кўл ҳажрат кетмайди..." Ақанинг айтганини қилдим. Ҳовли эшиги тақилланди. Остонада Аҳмаддон ака турибди. Ҳовли пана тортигандан хурсанд бўлдилар. Супага бошладим. Менга ўйчан тикилиб турдилар: "Ўғлингни уйлантирипсан экан, эшитдим. Сен ҳам, келинни Хосият ҳам ҳали ёш боласизлар. Биринчи тўй қилишларинг. Албатта, одам шошиб қолади. Бу ҳолатлар Маҳбуба аянг билан бизнинг ҳам бошимиздан ўтган. Тўйдан олдин барбирер озрак маълум керак бўлади. Шунинг учун сенга элдик тўёна олиб келдим. Мана буни олиб кўй... Буни тўёна деб қабул қиласан..." Нима дейишимни билмайман. Рост, пулга зориқиб турган палламиз эди...

Тўйга Ақанинг ўзи бош бўлди. Туғишган акам йўқлиги билинмади.

Орадан анча йиллар ўтди. Худого шукр, у-бу нарса ёзиб, бир-ярим менинг ҳам борлигимни тан ола бошладим. Тахририятда оддий мухбирман. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида хизмат сафарига эдим. Ишларим битгач, ўша ердаги Султон Увайс ота зиёратгоҳига кириб чиқаётганим, қўл телефоним жиринглади. Аҳмаддон ака кўнгирак қилдилар. Саломалик қилдик.

— Қаерда юрибсиз?
— Қорақалпоғистонда.
— Қаёчон келасан?
— Нуқусда ишим бор. Келаси ҳафта Тошкентда бўламан.

— Нима қилиб бўлса ҳам эртага етиб кел. Гап бор.
Кўнглим безовта бўлди. Нимадир юз бердимикан, деган ўй юрагимга ваҳм солди. Бирпасдан сўнг Ака яна кўнгирак қилдилар:

— Хавотир олма! Яхши хабар бор.
Бу гапдан анча хотиржам бўлиб, эртасига Тошкентга келдим. Гарчанд бошқа лавозимга ўтган эса-да, ҳамон ўша салобату вазимлик, ақли қалам орасида мавқе ва обрўсини йўқотмаган шу инсон қаршисида ҳозир бўлдим. Ака бу пайтда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бош муҳаррир эди. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашдик. Нималар ёзаётганимни сўраб-суриштирдилар. Сўнг мударрага кўчдилар:

— Фозилжон Ҳайдаровични танийсанми?
— Йўқ.
— Ундай бўлса, эртага танишиб олсан. Эрталаб у кишининг ёнига борасан.
— Қаерда у киши?
Ака кўз остидан ўзига хос қараш қилдилар:
— Сен қанақа журналистсан ўзи Адлия вазирини танимасан?
— Э-эй, Адлия вазир... Нима қиламан у ерда?
— Бор... Боравер. Кейин биласан.
Вазирга кирдим. Ҳеч нарсадан беҳабарман. Вазир мен билан анча-мунча суҳбатлашди.
— Эртага кадрлар бошқармасига учрашинг, — деди.
Ҳайронман.
Эртасига ўзимнинг ишхонамга келдим. "Ўзбекистон овози"да навбатчи эдим. Бош муҳаррир ўринбосаримиз Алимқул Султонов столга саҳифани қўйиб, қатъий таъкидлади:
— Ҳаёлни жойига қўйиб ўқийсиз, шоир, хато ўтказмайсиз, деган умиддаман!
— Ҳўп.
Қўл телефоним жиринглади. Адлия вазирлиги кадрлар бошқармасидан кўнгирак қилишди. "Срочно етиб келинг", дейишди. Хонадан чиқаётганим, Алимқул ака хайхайлаб қолди:
— Яна қаёққа?!
Вазирликка бордим. Кадрлар бошқармаси бошлиғи менга ҳайратланиб қаради. Унинг нигоҳидан "Нега вақтида келмайсиз?" деган илҳозони уқдим. "Вазир ўринбосарига борамиз. Сизни жамоага таништиради", — деди у.
Очиги, ҳеч нарса тушунмадим. "Қайси жамоага?"
Бошқарма бошлиғининг юзиде ҳайрат ифодаси қалқиди:
— Ростдан ҳам билмайсизми ё мени калака қиляпсизми?
— Ҳеч ким менга ҳеч нарса демади, — дея гўлдирадим.
— Сиз "Инсон ва қонун" газетасига бош муҳаррир этиб тайинландингиз. Мана, вазирнинг буйруғи!
Ҳангу манг эдим.
Жамоага таништиришди.
Сўнг яна "Ўзбекистон овози"га қайтиб келдим. Хонамда осматўрвам, китоб-дафтарларим бор эди.

АКА

Стоп устида эса янги чиққан саҳифалар мени кутиб турарди. Нима қилишни билмайман. Буларни ўқийми ё чиндан ҳам йўлнинг нариги бетидаги Адлия вазирлигига боришим керакми? Ростдан мени у ердаги газетга бош муҳаррир этиб тайинлашдимми? Ё шунчаки англашилмовчиликми, кимдир қаттиқ ҳазиллашяптими?
Шу маҳал яна вазирликдан телефон бўлди:
— Ишлар бошқармасидан фалончиман. Хонамга чиқинг, хизмат машинаси ва бошқа масалаларда гаплашиб олишимиз керак...
Мен энди ўша ерда ишлашим кераклигига ишондим. Қатъий билан Алимқул акага дедим:
— Ака, яхши-ёмон гап ўтган бўлса, узр. Мен энди Адлияда ишлайман. "Инсон ва қонун"га бош муҳаррир бўлдим.

Алимқул ака юзига синчиклаб қаради:
— Кайфингиз борми? Бирпасда анови тақасалтанг ошналариңизга қўшилиб, "Ҳақимхона"га (тахририят биноси пастидеги кафени шундай дердик) тушиб, халигидан уриб олдингизми ё? Нималар деясиз?
Мен хонадаги нарсаларимни йиғиштириб, йўлакча чиқдим, Алимқул ака анграйиб қараб қолаверди. "Ака, энди саҳифаларни ўзингиз синчиклаб ўқийсиз-да, хато ўтиб кетмасин".
Янги иш жойимга ўтиришим ҳамон Аҳмаддон акага кўнгирак қилдим.
— Эҳтиёт бўлиб ишлайверасиз, Кўчқорбой! Бош муҳаррирликнинг "тош нон"ни татиб кўрадиган пайтингиз келди.

Бу жойда ўн беш йилдан ошик ишлаб, Ака айтган қийинчиликларни ҳис қилдим. Кўп нарса ўргандим. Муҳими, газета ижодга йўл очадиган даргоҳ, руҳини тоблайдиган чигирик эканини ҳис қилдим.
Аҳмаддон ақанинг мен каби қанчалаб ука, дўст-ёр, таниш-билишларга қилган яхшиликлари, катта-кичик давралардаги самимияти, ҳеч ўзгармас феъл-атвори, ҳазил-мутойбалари, топқирлиги, одам ажратмаслик хислати ва ўзгаларга меҳр-оқибати, бир сўз билан айтганда, оддийлик ва одамийлик сабоғини обдан ўзлаштириши бобода у кишини билганлар соатлаб илқ гап айтиши мумкин. Ақанинг на мансаб, на шухрат, на бошқа ҳолатларда ўзгаргани, ўзини бошқалардан четга тортиб, димоғ билан қараганини ҳеч ким эслай олмас керак.

Бир хил инсонлар бўлади, пойгадга ўтирса ҳам ўша жойни давранинг тўрига айлантира олади. Ҳа, Ака шундай одам. Ҳаёт экан-да, кўраямиз, баъзи нози-намоийши баланд, ман-

сабни мартаба деб тушунган кўнгли кичик каслар уйининг тўри туғул, бошинга чиқиб ўтиришга ҳам ҳаққим бор, деб депинадилар. Бу тоифанинг тили айтмасам ҳам, дилида шундай ўй ўпқон урганини сезиш қийин эмас.
Аҳмаддон ака яхшиликчи яшил тортган одам бўлиши билан бирга, айниқса, миллий матбуотида бўёғи кўчмайдиган, тафти совимас ижод намуналари, қатор эскирмас публицистик асарлар мажмуи, яшноқ ижод боғини ҳам барпо эта олди. Устознинг ижоди ҳозирги кун ёш ўзбек журналистлари томонидан ўрганилмоқда. У таалабалар учун бу соҳада бир қанча ўқув қўлланмалар яратди.

Шунингдек, бўлажак журналистлар дунёқараши шаклланиши, уларнинг публицистик жанр сир-асорларини мукамал эгаллашлари учун қатор публицистик китоблар чоп эттирди... "Бир заминда яшаймиз", "Умидли дунё", "Ёлғиз яшаб бўлмайди", "Хуштакни ким чалади?", "Торнинг чўмичдан фарқи", "Ўзингни ўзинг бошла" каби ўнлаб публицистик тўпламлари шулар жумласидандир... "Ўнгор эртақлари", "Сафед Булон" номли насрий китобларида эса миллий қадриятларимиз илдизидан ўсиб чиққан одамийлик қиссалари ила юзлашамиз. Айниқса, устознинг дунё адабиётининг улкан адиби Чингиз Айтматов ижодига бағишланган публицистик ва бадиий тадқиқотлари, буюқ ёзувчи ижодидан қилган таржималари нафақат миллатимиз маънавий мулки бўлибгина қолмай, икки томридosh халқ дўстлигининг янада жипслашувига ҳам хизмат қилмоқда.

Устоз "Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат" монографиясини ёзди. Ўзбекистон Миллий университетда ташкил этилган "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" доимий экспозициясини раҳбари ҳамдир. Айни кунларда "Жаҳон адабиёти" журналида бош муҳаррирлик қилаётган устоз ташаббуси билан тахририят жамоаси ўзбек ўқувчиларининг турли халқлар адабиёти ва маданияти билан ақиндан танишувида муносиб ҳисса қўшяптилар. Халқимиз ва ўзга эллар орасида адабий дўстлик кўприклари мустаҳкамланмоқда, жаҳон адабиётининг тафаккур жаҳоирлари порлаган эзгулик қўрғонлари эшиклари очилмоқда. Албатта, бу ёрқинлик ва ижодий алоқалар ривожига Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист Аҳмаддон Мелибоевнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидламоғимиз жоиз.

Ундан сўнг ҳам Ақадан кўп яхшиликлар кўрдим. Баъзида бу дунё тор туолган пайтлари, дунё эмас, балки ўзим кичрайиб қолганим, борлик жойида турганлиги, менинг дардим ҳеч кимнинг зағазига дори бўлмастидеги ҳақида гапириб, кўнглимни оринтирмай йўл-йўриқлар қўрсатганини эслаймав бугун. Ҳаётга, одамларга нисбатан кенгфёлли бўлиш, омадим олма отиб турса ҳам илдишим заминда эканлигини унутмаслигим, оёғим ердан узилмаслиги бобода ақадан кўп ўғитлар олганман.

У киши ҳеч қачон бирор гап-гаштақда фалончига мен шундай яхшиликлар қилдим, деб оғиз очмаган. Йўқ, ҳеч кимга айтмаган. Эшитмаганман. Лекин бугун Ақанинг яхшиликларини ўзим сизга айтгим келди.

Биласизми, шу ҳақиқатни англаб етдим: ҳаёт Ака каби эзгуликпарвар инсонлар туфайли ҳам файзли, дарди дунёнг қоронғи тортган кезлар шулар сенга далад беришади. Ёлғизлигин сезилмайди. Ака ё дустим йўқ, деб ўқинмайсан! Ҳа, менинг акам бор.

Яратган шукр, ёлғиз эмас!
Кўчқор НОРҚОБИЛ

КАСБ СИНОАТИ

Ҳар бир касб эгасининг ҳаётда эса қоладиган лаҳзалар, мақтанлишга арзийдиган воқеалар бўлади, шубҳасиз. Баъзиларда кўп, баъзиларда яқкам-дуқкам дегандек. Лекин шундай пайтлар учрайдики, унинг тебраниши анча катта худудларни, бир неча одамларни... камраб олади. Фотомухбир сифатида Шомурод Шароповнинг шундай бахтта мушарраф бўлганини кўпчилик билган ўшанда. Қолаверса, "қизил империя"нинг поёнсиз худудиде кимлардир бу воқеадан ўз қизиқиши доирасида хабардор бўлган. Албатта, нима рўй берганлигининг тафсилоти анча мазмунли. Яхшиси, бир бошидан...

Эрта баҳор кунларининг бирида (ўшанда 1988 йил бўлса керак) империя "туртинчи ҳокимият"и — матбуотининг байроқдори "Правда" газетасида бир фотосурат эълон қилинган. Маълумки, Ўзбекистонда баҳор жанубдан, жумладан, Қашқадарёдан бошланади. Ўша суратда илк баҳор манзараси муҳрланган. Унда чечак очаётган бодом ва унга яқин жойда қуйманиб юрган чол ва кампир. Сурат жуда жонли чиққан, негаки, у шундай обрўли нашрга лойиқ қўрилибди, нимадир бор; неча юз миллионлаб нухсада босиладиган газетанда бериладиган суратни танлаш... неча чириқдан ўтиб ҳал бўлади — чол бироз қийшайиб, кампирга меҳр билан қараб турибди.

Манзара шундайки, бир пайтлар навжувон нигоҳини тортган момо қариб, мункиллаб қолган бўлса-да, бобо ўша йиғилтиқдаги иштиёқ билан "қари кампир"га боқмоқда. Чолнинг иштиёқдан ҳатто бодом гуллаб кетгандек. Бу ўрдан мўъжиза шундаки, фотосуратчи айтиш уш ўлчамни топан, учқундек ўтиб кетуви лавҳани объективга муҳрлаган. Бу манзара умумий яхлитлиқда ҳаёт фалсафасини шундоқ сўзлаб турганга ўхшайди: умр ўткинчи, одам ҳам, дархат ҳам ер юзиде боқий эмас, аммо то тириклик бор экан, баҳор келаверида, қуриган (яъни баргини ташлаб яланғоч бўлиб қолган) дарахтда тириклик нафасини қайтарайди, ҳаёт янгидан бошланади, шу уйғониш нафасига шерик бўл-



ган одам эса борлиқ билан ёшлигига қайтади. Силласи қуриб бораётган чол, бир пайтлар ёш ва сулув бўлган севгилисига ўзгача иштиёқ билан термиллади. Бу тасвири кўрганлар беҳитиёр ўзлари ҳақида ҳаёл суришга киришиб кетишлари, бир сўз билан айтганда, умр мазмуни юзасидан хайёмона тафаккурга берилишлари бор гап.

Кафтедкина сурат ана шундай туйғуларни кўзгатади. У газета саҳифасидан тириклик нафаси уфуриб тургандек таассурот уйғотарди: киш уйқусига чўлган, қор остида ором топаётган, ҳароратли иссиқ кунларни интизор бўлиб кутаётган бепоён кенгликка баҳор кириб келяпти. У борлиққа жон бағишлаб, дархатларга чечаклар тақиб, ҳатто мун-

киллаб қолган чол-кампирни яна музаффар ҳаётга қайтариб, вазим қадамлар билан жанубдан ташриф буораяпти... "Одамлар, сиз уйқудамисиз, гафлат-дамисиз, бедормисиз? Огоҳ бўлинг ва ҳаёتبаш насимларга пешвоз чикинг, киш бўйи тамбаланган, зичлаб ёпилган тирикшиларни очинг..." Газета ўзининг бироз сарғимтия қоғози саҳифалари аро шундай дея ҳайқиради гўё!

Ана шундай мўъжизанинг, миллионлаб одамларнинг қалбига иштиёқ уйғотган, ёфилларни хушёрликка чорлаган сеҳрнинг ижодкори фотомухбир Шомурод Шаропов бўлади. Билмадик, "Ўзимники ўзимга маълум" деганларидек, усанинг бошқа суратлари шунчалик шухрат қозонганми, йўқми, бироқ дунёни

зир титратган коммунистик партиянинг бош нашрида чоп этилган сурат ана шу даражада империяни силкитиб ўтгани бор гап...

Шомурод Шаропов Қашқадарёдаги педагогика институтиде ўқиб юрган йилларида газетачиликка меҳр қўйди, мухбирлар курсини битирди. Ёзганлари билан вақтли матбуотда иштирок этиб юрди. У, айниқса, дунёни фотоқоғзада акс эттиришга қизиқарди. Оддий хаваскорлик уни фотомухбир даражасига кўтарди, дастлаб кўп тармоқли газетамда, кейинроқ эса ЎзА (ЎзТАГ) сингари обрўли муассасаларда фаолият кўрсатди. Ҳатто "Халқ сўзи" деган минбарларда ҳам.

Табиий, ўшанда бундай баланд рутбада ("бахтиёр инсонлар баҳорни шодумон кутиб оляпти"), демак, ҳаммаси жойида, дегандек) ўлка ҳаётини ёқимли мужда таралиши кўйидаги барча мулозимларни оёққа турғизган. Албатта, "юқори"дан махсус топшириқ бўлгандир, район (туман) партия қўмитаси биринчи котиби бошчилигида бу "оламшумул" воқеани халққа етказиш учун жиддий бош қотирилган, муфассал тадбирлар режаси ишлаб чиқилган (буни кейинги безовталиклардан билса бўлади). Албатта, ўҳжалик раҳбарлари оёққа қўйилган, "комиссия аъзолари" газета қаҳрамонлари яшаб турган Зумрад посёлкасидаги режа билан қурилган бетон уй (уларни одамлар "тош қўрғон" деб аташарди)га етиб келган, бирданига ҳовли супурилиб, ариқлар тозаланиб, кўча тартибга келтирилган.

Бу тадбирлардан бироз хабар топганлар "Энди нима бўлади?" дея томошанинг давомини кутган, шартки қишлоқ одамлариға хос ҳазил-мазах авж олган: "Қач бова билан Тонголдуз момани қайтадан ЗАГТ-Сдам ўтказиб, гўшангага тикишармиш..." Хуллас, Касби туманидаги уйқудан мудраб уйғонаётган лоҳас чўл қишлоғига бир олов нафас кириб кел-

ган... Бунинг сабабчиси — Шомурод Шаропов, унинг дунё ҳамжамияти, афкор оммаси назаридаги, "Правда" газетасида босилган жимитдеккина фотосурати, яъни ижодий асарини! Ана, давр манзараси... У кунлар шулари билан шуқухли, зеркишдан холи эди.

Мен шунча дабдабаю асъсасга сабаб бўлган чол ва кампирни ақиндан танирдим. Бутун ҳаёти далада ўтган, билмадим, суратга тушишга эмас, кўзуга қарашга улгурганим, йўқми, умри меҳнатдан бошқа нарсани билмаган тирқишдек чайир одамлар эди чол ҳам, кампир ҳам. Тирикчилик бор бўй-баста билан азобга айланган, одамлар меҳнатнинг тағиде ийги қиқиб, тугамайдиган муттасил қийноқлар нимага эканлигини тушунмасди. "Дунё ишининг бўлгани асли шундай, йиғлаб бу оламга тушиб келган инсон зурриёти туганмас азоблар учун яратилган". Қисмат ҳўкмига қойим бўлиб, меҳнаткаш эшак ёки ҳўкиз қаторида қўшиллик қолишгача борган йилларда инсон боласига яшаб зўлқининг бир чимдимини улашиб, ўлимга бўйин эгмай, тирик қолишгига ундаган туйғу баъзан кўнгилда завқ уйғотарди. У қуруқшаган лабларда яримта илжа-ийи, синик қулги, гамгин қаҳқаҳа тарзиде зоҳир бўлган хуш лаҳзалар дақиқада уйғонган завқ билан табассум қилишга ҳам изн берган ва шуҳлик, ҳатто ҳазилга ҳам йўл очиб, чолга Качга (тортишувларда ҳеч кимга ён босмай, доим кўп томонга тортиб юргани, демак, ўжарлиги учун), кампирга Тонголдуз(и) (ҳали тонг отмай, муттасил далага йўл тортиб, бошқаларга ҳам тинчлик бермагани учун, демак, аёл анча ғайратли бўлган) деган лақабларни тақдан эди. Аслида, ўша тупроққа қоришиб, заминга сингиб, ўз қиёфасини йўқотган давронда хар кимнинг инсоний "исмининг рад этиб", лақаб билан аташ урф бўлган.

Замон йўригидан етарлича баҳраманд бўлган чол-кампир яшаш ҳўққини

ҳаётдан тортиб олган, фарзандлар қўриб, тириклик завқидан етарлича баҳра топан эдилар. Тиним билмаган сайёра фотомухбирнинг нишонига илгинганлар улар саксондан сакраб ўтиб, тўқсонни кўзлаб туришганди. Катта ўғил Маҳма-назар ака (Оллоҳ раҳмат қилсин) почтальон, хизмат юзасидан одамларга газета ҳам тарқатади, гарчи ҳамма нашрлар билан танишиб чиқишга улгурмасам ҳам, газета-журнал ўқиганларнинг шуқухли чехрасига ғувоҳ бўлган, маърифатнинг бу қалдирғочларини жуда қадрлайди. Тасодифни қарангки, ота-онаси газетамга чиқиб, дунёнинг ярмини ларзага солиб турганини райком вакилидан эшитиб, бу ғофиллиғи учун ўзини аямай сўқайди: "Шунча газета-журнали елкамга юкляб, неча одамларга завқ улашаман (ростдан, у замонлар кундалик нашрлар билан хонадонларга завқ-шавқ, барака кириб борар эди), ўламанми ўша кунни "Правда"ни биринчи бўлиб ўзим кўрсам? Бутун дунёга жар солмасимиди?". Лекин қарзи бўйидаги қолмади, шу муносабат билан ўтказилган тадбирларда тўй эгасидек бўлиб хизмат қилди. Ростдан, "Ш.Шаропов фотоси" туманда катта кўзғалиш юзага келтирди, қишлоқдаги ақинда қуриб, фойдаланишга топширилган маданият уйида тантанали йиғилиш бўлган, унда казо-казо одамлар қатнашган, "қаҳрамон"лар муносиб сийланган... Худди эртақлардагидек... Бу машваратнинг эгаси, ижодкори ҳам — Шомурод Шаропов!

Хуллас, Ш.Шаропов ўз дастхатини муносиб давом эттирди, ҳатто Тошкентга келиб, баъзи "йирик"ларни ҳам пананда қолдира олди. Гали келганда мақтанчоқлик қилиб, "Қирқдан ортиқ китоб чиқардим" десам, совуққонлик билан "Нима бўлибди, мен олтимшики қилардим..." деди. Мен бунга ишондим, ҳаракатчан, киришмили, тадбиркор одам ҳаммасига улгурарди. Юртимизда қулочни кенг олиб яшаш учун ҳамма шароитлар яратиб берилди. Албатта, тинимсиз ҳаракати билан кўзга ташланадиган натижаларга эришган Шомурод Шаропов ўз фаолияти билан кўллаб ёшларга ўрнак бўлади.

Ҳақим САТТОРИЙ

ТААССУРОТ

БИРЛАШГАН ДАРЁ БЎЛУР

Япония ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда

Тошкент ва Токио шаҳарларини қарийб 6000 километрлик масофа ажратиб туради. Географик олисликка қарамай, Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Курраи арзда геосийосий беқарорлик ҳужум сураётгани маълум. “Ишонган тоғда кийик ётмас” деганларидек, ихтилофлар замонда ҳатто давлатнинг эътибор кўйган ҳамкори ҳам дўппи тор келганда юзини терс буриши ҳеч гап эмас. Бундай мушкул-мураккаб вазиятда хайрихоҳ, ҳаммаслақ давлатларни кўпайтириш, илмий тилда айтганда, муносабатларни диверсификация қилиш лозим.



Япония инновациялар, кашфиёту ихтиролар диёри ўлароқ донг таратган. Яппи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёнинг тўртинчи давлати ҳисобланган кунчиқор ўлка автомобилсозлик, кемаасозлик, илғор технологиялар, жумладан, электроника, роботехника бўйича етакчиликини қўлдан бермай келмоқда. Япония билан дўстона муносабатлар улкан мақсад-марраларни кўзлаган мамлакатимиз учун янги уфқларни очиши шубҳасиз.

Токио шаҳрига сафар мобайнида япониялик сиёсатдонлар, экспертлар, таҳлилчилар билан мулоқот қилдик. Суҳбатдошларимиз Япония Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарётганини таъкидлашди.

“Япония Марказий Осиёни стратегик муҳим минтақа деб ҳисоблайди. Минтақанинг беш давлати билан 1992 йилда дипломатик алоқа ўрнатилган бўлса, 1993 йилдаёқ Япониянинг “Ривожланишга расмий кўмак” дастури амалга татбиқ этила бошланган эди. Биз ўтган йиллар мобайнида очик ва фарован Марказий Осиёни барпо этиш тамойили, беш республиканинг барқарорлиги ва тараққиётига кўмак сиёсатида содиқ қолмоқдамиз. Япония Марказий Осиё мамлакатларининг муайян давлатларга ҳаддан зиёд боғлиқ бўлиб қолишини истисно этган ҳолда, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга интилоқда. Шу билан бирга, минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватламоқда. Бу жиҳатдан 2004 йилда йўлга қўйилган “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти муҳим ўрин тутди. Қайд этиш жоизки, ушбу форматдаги мулоқотга илк бор Япония асос солган эди”, деди Япония ташқи ишлар вазирлиги маъсул ходими.

Маълумингизки, 2025 йил 20 декабрь куни Токио шаҳрида “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг давлат раҳбарлари даражасидаги биринчи саммити бўлиб ўтди. Олий даражадаги машварат якунида Токио декларацияси қабул қилингани тарихий ҳодиса деб аташ мумкин.

“Япония Марказий Осиё мамлакатларини эркин ва очик халқаро тартибни мустаҳкамлаш борасида ҳам ишончли шерик деб билади. Шу маънода Токио саммити дипломатик ва геосийосий долзарблик, иқтисодий хавфсизлик ҳамда Япония ҳамда минтақа ширкатлари учун янги имкониятлар тақдим этиши билан катта аҳамият касб этади. Бу борадаги мақсадлар Токио декларациясида ҳам инъикос топган”, дея мулоҳазаларини давом эттирди Япония ТИВ ходими.

Декларацияда Марказий Осиё давлатлари ва Япония ўртасида “яшил” иқтисодиёт ва барқарор тараққиёт, ўзаро боғлиқлик ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш каби уч устувор йўналишда алоқаларни кенгайтириш лозимлиги таъкидланган.

Япония замонавий транспорт инфратузилмасини яратиш, транзит ва логистика тармоғини ривожлантиришда улкан тажрибага эга. Қолаверса, модернизация, рақамли трансформация, “яшил” энергетика, сувни тежаш, табиий офатлар мониторинги ва сейсмик чидамли қурилиш йўналишларида ҳам илғор ечимлар тақдим эта олади.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, Япония келгуси беш йил мобайнида Марказий Осиёда умумий қиймати 3 триллион иенга тенг (қарийб 20 миллиард доллар) бизнес лойиҳаларни молиялаштириш ниятида. Бу эса улкан ўзгаришлар муждасидир. Биз суҳбатлашган экспертлар ҳам ўзаро ҳамкорликнинг умидбахш даврига қадам қўйилганини ургуладди.

Мичихиро ТАЖИМА, Япония Соҳилни қуриқлаш академияси тадқиқотчиси:

— Ўзаро боғлиқликни янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз борар экан, Япония глобал таъминот занжирлари, жумладан, Транскаспий халқаро транспорт йўлағини такомиллаштиришга ҳисса қўиши ниятида эканини таъкидлаш лозим. Бундан кўзланган мақсад муқобил йўлақларни ривожлантириш орқали қатновларни диверсификациялаш ҳамда рискларнинг олдини олишдан иборатдир. Ушбу транспорт тармоғи минтақани Европа билан боғлаши, тараққиёт учун кўпроқ имкониятлар яратиши кутилмоқда.

Марказий Осиё бой табиий ресурсларга эга. Шахсий хулосамга кўра, Япония ўрта ва узоқ истиқболда



ушбу минтақани нефть, табиий газ каби ресурслар, нодир ва ўта муҳим минералларнинг импорт манбаси сифатида қўриши мумкин. Аммо табиий ресурслар бирламчи эмас. Япония, аввало, Марказий Осиё билан турли соҳаларда тенг, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида. Япония Марказий Осиёда “буёқ давлатлар” деб аталган кучларнинг рақобатидан йироқ. Шу маънода, Япония ва Марказий Осиё “учинчи танлов” сифатида бир-бирини тўлдирди.

Халқаро майдондаги вазият, жумладан, Россия билан муносабатлар, Шарқий Осиёдаги ҳодисалар манзарасида Япония учун Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортиб бормоқда. Ўтган 20 йил давомида Япониянинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати сифат жиҳатдан ўзгармоқда. Илгари Япония бир томонлама кўмак кўрсатган бўлса, эндиликда минтақа давлатлари билан ўзаро манфаатга асосланган ҳамкорлик олиб борилоқда.

Кейинги йилларда Японияда Марказий Осиё давлатлари маданияти, ҳаёт тарзи, ҳатто миллий ошхонасига қизиқиш ортмоқда. 2025 йил март ойида Ўзбекистонда бўлганимда, ўзбекистонликларнинг Японияга нисбатан ҳурмат ва қизиқиши кучли эканига гувоҳ бўлган эдим. Демак, қисқа истиқболда халқлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Каору ИОКИБЕ, Токио университети профессори:

— Япониялик зиёлилар, сиёсий етакчилар Марказий Осиёнинг стратегик аҳамиятини теран англайдилар. Минтақа, аввало, Хитой ва Россия ўртасида мувозанат нўқтаи назаридан муҳим ўрин тутди. Марказий Осиёдаги барқарорлик Шарқий Осиёдаги лойиҳалар учун ҳам зарурдир.



Марказий Осиё давлатлари билимли, интеллектуал даражаси юқори мутахассисларга бой. Япония меҳнат бозорига тақчиллик кузатилаётгани

инобатга олинса, минтақанинг иқтидорли мутахассисларини ишга тақлиф этишдан ҳар икки томон ҳам ютади. Табиий ресурслар, нодир маъданлар ва энергетика манбалари билан боғлиқ ҳамкорлик ҳам истиқболли, албатта.

Кёко КУВАХАРА, Япония халқаро муносабатлар институти илмий ходими:

— Рақамли маконда дезинформация кучайиб бораётган ҳозирги даврда демократик мамлакатлар учун ёлгон ахборот ва сохта нарративларга қарши кураш ҳаётини талабга айланган. Япония бетақорор тили ҳамда аҳолининг аънавий ОАВга юқори ишончи туфайли хорижий дезинформация хуружидан ихоталаниб келган эди. Аммо сунъий интеллект технологиялари мислсиз равишда тараққий этиши биз санаган ҳимоя омилларини ҳам йўққа чиқармоқда. Таҳлилларга қараганда, Японияда, айниқса, табиий офатлар вақтида сохта маълумотлар тарқалиши кўп кузатилади.

Японияда 2022 йилда Миллий хавфсизлик стратегияси қабул қилингани ортидан дезинформацияга қарши кураш ҳам фаоллашди.

Сир эмаски, дезинформация чегара билмас хатардир. Ўйлайманки, Япония ҳамда Марказий Осиё давлатлари ушбу таҳдидга қарши курашда ҳам ўзаро робиталарни мувофиқлаштириши, ахборот ва тажриба алмашиши, ноу-хауларни жорий этиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳукуматлар, илмий доиралар, ОАВ, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши лозим.



2025 йил 20 декабрь куни Токиода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг музокаралари ҳам бўлиб ўтган эди. Мусохаба якунида сиёсий етакчилар Келгуси авлодлар учун кенгайтирилган стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Мазкур ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар туҳфа этади.

Ташриф доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, экология, сув ресурслари, транспорт, шаҳарсозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги, табиий офатлар хавфини камайтириш соҳаларида салмоқли келишувлар тўплами қабул қилинган эди. Саммитга тайёргарлик доирасида қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган кооперация лойиҳаларининг янги портфели шакллантирилгани ҳам диққатга молик, албатта.

“Битта гилдирак билан арава юрмайди”, дейилади япон маталида. “Бирлашган дарё бўлур, тарқалган — иромқ”, дейди ўзбек халқи. Алқисса, Япония ва Ўзбекистон робиталарида янги давр бошланган. Бу ҳамкорлик бир-бирига қадрият қарашларни тиқшириш, дунёни ўз қаричи билан ўлчаши мажбурлов каби номатлуб ҳолатлардан холи экани билан аҳамиятлидир.

Соған САЛИМ.
Муаллиф оған суратлар.

СИЁСАТ



АБДУЛЛА ГҲҲЛНИНГ 12 ЙИЛДА ИЛК МУРОЖААТИ

Туркиянинг 11-президенти Абдулла Гүл (2007 – 2014 йиллар) лавозимини тарк этгандан кейин ҳеч эсланмайди, ўзи ҳам на телевидение, на жамоатчилик орасида кўриниш берди. У илк бора “Project Syndicate” нашрига “Европа хавфсизлигига Туркия керак” деган мақола ёзди. Унда ЕИ Анқарага нисбатан ўтмишда йўл қўйган хатоларини тақорламаслиги кераклигини таъкидлади.

А.Гүл халқаро таҳлилий платформа бўлган “Project Syndicate” сайтида ЕИ ва Туркия ўртасидаги муносабатлар ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ўзгариб бораётган глобал вазиятга баҳо берди.

Собиқ президент мамлакатнинг ЕИга аъзо бўлиш жараёнида ўтмишда юзга келган муаммоларга эътибор қаратиб, бугун Европа Туркия билан ҳамкорликка ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож эканини қайд этди.

Мақолада ЕИнинг ўтмишдаги ёндашувларини кескин танқид қилиб, шундай деди: “ЕИ Туркиянинг аъзолик жараёнида йўл қўйилган хатоларни тақорлашга ҳаққи йўқ. Ушунда бир томонлама қоидалар ва сиёсий қибор тараққиётга путур етказган эди. Бугун эса ҳамкорлик айнан ЕИ учун зарур”.

Собиқ амалдор Туркиянинг Европага тегишлилиги ва унинг стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, европалик етакчиларга мурожаат қилди: “Бу гал Европа етакчилари Анқара билан ҳамкорликда ҳалолроқ ва самимийроқ бўлишлари лозим. Бундан ташқари, Европа хавфсизлиги тор миллий манфаатларини кўзлаётган ЕИнинг бир неча аъзосига гаров бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди”.

Гүл Туркия нафақат ҳарбий қудрати, балки минтақавий таъсири ва геосийосий мавқеи туфайли ҳам Европа хавфсизлиги учун алмаштириб бўлмас шерик эканини таъкидлади ва мамлакатнинг НАТОдаги ролига тўхталиди. “Туркия нафақат салмоқли ҳарбий имкониятларга, балки минтақавий таъсир доираси ва геосийосий вазнага ҳам эга. Туркия — Европа давлати. У маданий, географик, тарихий ва сиёсий жиҳатдан кўпгага дохил”.

Шунингдек, Гүл ЕИга аъзо бўлиш жараёнида ўтмишдаги хатоларга тўхталиб, айрим европалик етакчиларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига шахсан гувоҳ бўлганини айтди. У Шимолий Кипр масаласи Туркиянинг ЕИга киришига тўқтинлик қилиш учун баҳона сифатида ишлатилганини қўшимча қилди.

А.Гүл Туркия Европа хавфсизлигини тўлдирувчи муҳим омил эканини қайд этиб: “Туркия ва ЕИнинг айрим давлатлари ўртасидаги муносабатлар кескинлигича қолиши мумкин, аммо зарурият қўпича музаларни эртади. Туркия — Европа хавфсизлигининг табиий таянчи, ушбу бу тузилма тўлиқ бўлмайди”, деб хулоса чиқарди.

Таҳлилчилар эса бугунги геосийосий вазиятда Туркия фақат ҳарбий қудрат эмас, балки географик ва сиёсий вазни билан Европа хавфсизлик тизимининг ажралмас устуни эканини эътиборга олиб, Европани ўтмишдаги хатолардан хулоса чиқаришга ва Туркияни ўз хавфсизлигининг табиий кафолати сифатида тан олишга чақирганини айтишмоқда.

Аброр ХОҲ.

ХОРИЖ

УКРАИНАНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН 588 МЛРД ДОЛЛАР КЕРАК

Маълумотларга кўра, Украинага 2022 йил февралда бошланган уруш оқибатларини бартариф этиш ва мамлакатни тиклаш учун 10 йил давомида 587,7 млрд доллар (тахминан 500 млрд евро) керак бўлади. 2025 йил 31 декабрь ҳолатига долзарб бўлган ушбу баҳолашни шу йил 23 февраль куни Украина ҳукумати, Жаҳон банки, Еврокомиссия ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тақдим этди.

Украина бош вазири Юлия Свириденконинг таъкидлашича, бу сумма Украина иқтисодиётининг 2026 йил учун прогноз қилинаётган номинал яппи ички маҳсулотидан қарийб уч баравар кўп. Ҳисоботга кўра, энг катта харажатлар — 96 млрд доллардан ортиқ — транспорт секторини тиклашга тўғри келади. Иккинчи ўринда уй-йўл фонди: 90 млрд доллар. Кейин савдо ва саноат сектори (63 млрд доллар), шунингдек, қишлоқ хўжалиги (55 млрд доллар) келади. Яна қарийб 28 млрд доллар мамлакат ҳудудидида портлашлар оқибатларини бартариф этиш ва ҳудудларни минадан тозалаш ишларига сарфланиши керак.



ТУРКИЯЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ЯНГИ ИХТИРОСИ

Туркиялик олимлар Ой ва Марс юзасидаги тупроқ қатламга (реголит) ўхшаш сунъий муҳитда помидор етиштиришнинг янги усулини яратди. Бу ҳақда “Anadolu” хабар берди.

Эге университети биология факультети доценти Ренгин Ўзгур Ўзидил бошчилигидаги лойиҳа “TUBTAK” (Туркия илмий ва технологик тадқиқотлар кенгаши) томонидан қўллаб-қувватланди. Олимлар 15 ой давомида АҚШдан келтирилган, таркиби Ой ва Марс тупроғи билан бир хил бўлган сунъий реголитлар устида тажриба ўтказди.



Тадқиқотнинг ўзига хослиги шундаки, Ой ва Марс тупроғи органик моддаларга ўта “камбағал” ҳамда туз ва металлларга бой. Ердан у ерга тупроқ ташишининг имкони йўқлиги сабабли олимлар мавжуд реголитни деҳқончиликка мослаштириш йўлини топди.

Ушбу кашфиёт келажақда Ой ва Марсда барпо этиладиган инсонлар шаҳри учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маълумот учун, тажрибада қўлланилган ўсимлик турлари Туркиянинг биринчи астронавти Алпер Гезерави томонидан коинот станциясида ҳам тадқиқ қилиниши режалаштирилган.

“ЖЧ-2026” ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛМАСЛИГИ МУМКИН

Яна 107 кундан сўнг Мексикада футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилиш ўйини режалаштирилган. Ҳайтх Мексикада мезбонлар Жанубий Африкага қарши майдонга тушиши эълон қилинган. Пойтахтдан ташқари, ўйинлар Монтеррей ва Гвадалахара шаҳарларида ҳам ўтказилиши кўзда тутилган. Бироқ мамлакатни қамраб олган зўравонлик тўлқини сабабли бу баҳслар ўтказилмай қолиши мумкин.

Зўравонлик авж олишига “Эль Менчо” номи билан танилган ва “Халиско янги авлод” (CJNG) номли машҳур нарқоқартер раҳбарининг ўлими сабаб бўлди. У Мексика армияси ўтказган рейд чоғида ҳалок бўлган.

Кейин эса унинг ўлими учун қасос олиш бошланиб кетган. Бир нечта шатларда автобус ва юк машиналари ёқилмоқда, йўллар ёнаётган баррикадалар билан тўсилган, банк ва дохионалар ўт ичида қолган. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг 27 нафар ходими, жумладан, Миллий гвардиянинг 25 ходими, бир қўриқчи ва бир штат прокуратураси ходими ҳалок бўлди.



Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодиқ Тўраев тайёрлади.

ТАЪЛИМ

Шу кунларда улуг мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу буюк зотнинг ижодий меросида шахс камолоти масаласи, комил инсон гоёси асосий уринни эгаллайди. Биз бугун республикамизда олиб борилаётган янги-янги ислохотлар негизда ҳам ана шу гоёнинг узвий давомини кўраемиз. Айниқса, истеъдодли, иқтидорли ёшларга қаратилаётган эътибор фискаризмнинг исботидир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университетиде ҳам талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, замонавий талаблар асосида билим бериш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, университетнинг филология ва санъат факультетиде бу борада тизимли ишлар ташкил қилинган. Ана шу ишлар натижасида талаба-ёшлар қатор муваффақиятларга эришиб келишмоқда. Жумладан, 2021 — 2022 ўқув йилида 6 нафар талаба давлат стипендияси совриндори бўлишди. 2022 — 2023 ўқув йилида эса 5 нафар талаба давлат стипендияси, 2 нафар талаба вилоят ҳокими стипендияси, 1 нафар талаба ректор стипендияси, яна 1 нафар талаба Ҳайдар Алиев номидаги бир марталик халқаро стипендия совриндори бўлдилар. 2024 — 2025 ўқув йилида 6 нафар талаба давлат стипендияси, 1 нафар талаба ректор стипендияси, яна 1 нафар талаба филология олимпиа Мунаввара Солаева номидаги



бек тили таълим йўналишида тахсил олади. У фақат аъло баҳоларга ўқиб келмоқда. Анаҳон "Пиримқул Қодировнинг образ яратиш маҳорати" мавзусида илмий тадқиқот иши олиб бормоқда. Бугунги кунга қадар 30 га яқин илмий ва илмий-оммабо мақолалари нашр эттирди. Илмий мақолалари

дек, инглиз ва турк тилларини пухта билади.

Раҳимова Ирода Исролбек қизи ҳам "филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили" таълим йўналишида тахсил олиб келмоқда. У барча фанларни талаба даражасида ўзлаштириб келмоқда. "Ўзбек мумтоз адабиётида ҳарфий санъат турлари" мавзусида илмий ишлар олиб бормоқда. Шу кунгача 20 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган. У университетда, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этади. Жумладан, 2025 йилда 11 октябрь — Халқаро қизлар кун муносабати билан "Сенинг ташаббусинг — сенинг келажакинг учун" шиори остида ўтказилган форум доирасидаги "Энг яхши нотик талаба-қиз" номинацияси бўйича ташкил қилинган танловда фаол иштирок этиб, фахрли II ўрин соҳибаси бўлди. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар йили ўтказилган "Маъри-

ражали миллий сертификатни қўлга киритди. Бунга қўшимча равишда "Ibrat Academy" платформасининг инглиз ва турк тили фанидан махсус "С1" даражаси сертификатни соҳибаси бўлди.

Бахтиёрова Гулшода Жўрабек қизи ҳам факультетимизнинг иқтидорли ёшларидан. У ҳам барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириб, ўзининг илмга бўлган қизиқиши ҳамда жамоат ишларида фаоллигини намоян қилиб келмоқда. У ақл-заковатни чарқайтиган танловларга қизиқади. "Заковат" интеллектуал ўйинларида университет ва факультет жамоаси аъзоси сифатида иқтидорини намоян қилиб келмоқда. Шунингдек, университетимизда ташкил этилган "Навоийхон талаба" танловида доимий иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиб келмоқда. 20 дан ортиқ илмий-оммабо мақолалари "Асқар Маҳкам ижоди бадиияти" мавзусида доирасида ёзилган. Талабамизнинг чет тилларга, айниқса, турк, инглиз, немис, итальян тилларига



лиқни кенг тарғиб қилиш таъаббуси доирасида ташкил этилган "Китобхон талаба" танловида фаол иштирок этиб келади. У тилшуносликка қизиқади. Тез айтиш ва топишмоқларнинг лингвистик

ланишлар олиб бормоқда. Инглиз ва турк тилларини пухта билади. Шунингдек, ўқув марказида инглиз тилидан ёшларга сабоқ бериб келади. У университетимизда ташкил этилган иншола танловларида бир неча бор голиб бўлган.

Абдушарифова Сарвиноз Собиржон қизи ҳам истеъдодли ёшларимиздан. У аъло баҳоларга ўқиб, маънавий-маърифий тадбирларда, жамоат ишларида фаоллиги, меҳнатсеварлиги, ўткир зеҳни, зукколиги ва намунали хулқи билан бошқалардан ажралиб туради. Сарвиноз Хоразм вилояти ҳокимининг 2023 йил 13 февралдаги қарорига мувофиқ 2023 — 2024 ўқув йилида вилоят ҳокими стипендияси соҳибаси ҳам бўлган. "Омон Матжон шеърининг гоёвий-баддий хусусиятлари" мавзусида илмий илганишлар олиб бориб, йигирмадан ортиқ мақолалар нашр эттирган. Инглиз тилини пухта билади ва илмий иши доирасида шу тилда мақолалар ҳам ёзади.

Бу талабаларимиз ўқиш, изланишдан сира тўхтамасликлари позим. Миллат, Ватан келажиги учун шундай илмий ёшлар керак. Ниятимиз — билимли, ақл-заковатли ёшлар сафи яна ҳам кенгайверсин. Ҳазрат Навоийга муносиб издошлар етишиб чиқаверсин.

Дилшод ҒАЙИПОВ,
Урганч давлат университети
филология ва санъат факультети
декани,
филология фанлари доктори,
профессор.



стипендия совриндорига айланди. Бу ўқув йилида эса филология ва санъат факультети талабалари олдинги йиллардаги натижани янада яхшилашди. Бир йўла етти нафар талаба Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлишди. Бу эса Навоий туғилган кунига муносиб совга бўлди. Биз бу талабаларни ҳазрат Навоийнинг ёш издошлари дегимиз келди. Қуйида эса уларнинг фаолияти хусусида мухтасар сўз юритамиз:

Ботирова Анаҳон Дилмурод қизи "филология ва тилларни ўқитиш: ўз-

ОАК томонидан эътироф этилган республика ва хорижий журналларда чоп этиб келинмоқда. Анаҳон бадий ижод билан ҳам шугулланади. Унинг ижод намуналари "Соҳир сўзларим" номи остида чоп қилинган. У маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этади. Университетимизда аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Шеъринг шоҳсупаси" кўрик-танловининг 2025 йилги финал босқичида фаол иштирок этиб, фахрли I-уринни эгаллади ва ректорат томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунинг-

фат майдони" республика кўрик-танловида, олий таълим муассасалари талаба-ёшларининг тарихий тафаккурини оширишга қаратилган "Юртим қадриятлари" республика кўрик-танловида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. У "Ёш жадидлар" тадқиқот маркази томонидан ўтказилган "Илмий тадқиқот ва стартаплар форуми"да ўз мақоласи билан иштирок этди ҳамда махсус статуетка ва диплом билан тақдирланди. Ирода чет тилларни ўрганишга қизиқиши натижасида инглиз тилини билиш даражаси бўйича "С1" да-

қиқиқи жуда баланд. У турк тилидан "С1" даражаси халқаро сертификат соҳибасидир.

Ҳайитбоева Мухлиса Мухтор қизи "филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили" таълим йўналишининг истеъдодли, ўткир зеҳни, илмга чанқок талабаларидан биридир. У биринчи курсдан буён Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган 5 та муҳим ташаббусининг "Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхон-

хусусиятлари тўғрисидаги мақолалари халқаро журнал ва конференциялар материалларида эълон қилинмоқда. Факультетимизда ҳар йили ўтказилган "Илм нихоллари" илмий-амалий анжуманида доимий равишда фахрли ўринларни қўлга киритади. У иқтидорли шахматчи ҳамдир.

Тураева Садоқат Қаҳрамон қизи келажак порлоқ ёшлардан. У илмий ишларини муттасил давом эттирсан, жуда яхши олимпиада бўлиб етишади. Садоқат таниқли шоир Хуршид Даврон ижодининг баддий хусусиятлари борасида из-

ЭЪТИРОМ

ЙЎЛЛАРИ ИСМИДЕК ЁРУФ

Анджонликлар ҳали-ҳануз эслаб юришади. Шаҳардаги Фуркат кўчасида жойлашган болалар шифохонаси водийда ягона шифохона сифатида машҳур эди. Бу даргоҳга киришдан оқиб болалар боччасига қадам қўйгандак бўласиз: ҳар қадамда турли эртка қаҳрамонларининг бири жиддий, бошқаси жилмайиб, аллақайсиси ҳайрат билан боқиб турган ҳайкалчалари. Шифохона ҳовлиси чиройли боғни эслатар, гўзал мевали ва манзарали дарахтлар, турли-туман гул кўчатлари, ҳар хил навадаги арчалар ўзгача файз беради, дарахтлар соясида эса дам олиш учун оддий эмас, бетакрор кўринишдаги ўриндиқлар жойлашган бўларди.

Деворлар турли хил рангларга бўялган, чизилган расмлар эътиборингизни тортар, кутубхона, ўйингоҳ, дам олиш хоналари, покиза ошхоналар бу ерга даволаниш учун келган болаларнинг шприцларни кўрганда уйғондиган ҳадикдан асрарди. Яна шифокору ҳамширалар, ҳатто озодалик посбонлари ҳам оқ рангда эмас, аксинча, бошқа ёрқин ранглардаги либосларда бўлардилар, сабаби бу ҳолат бемор болалардаги навабдаги ҳадикни ҳайдарди.

Булари билан барчаси беш шифокорнинг нафақат ижод маҳсули, балки бемор болалар ўзларини шифохонада, шифокор хузурида эмас, ўзи уйдагидек ҳис қилиши, тезроқ соғайиб кетиши учун меҳрининг бир кўриниши бўларди гўё.

Меҳнатлар самарасини бериши бор гап, айни ўша йилларда вилоятда болалар ўртасидаги касалликлар сезиларли даражада каймайди. Шифохона элнинг назарида малҳамонага айланди, жамоа эса бир бутун аҳил оиллага жамланди. 1994 йили шу тиббиёт масканининг беш шифокори Светлана Инамова юртимизда янги таъсис этилган I даражали "Соғлом авлод учун" орденининг илк соҳибаси бўлди.

Қайси лавозимда фаолият олиб борса, янги ташаббусларга баш бўладиган бу аёл ўз ишининг устаси даражасига етгунича баланд-паст йўллардан қадамлаб келди. 1951 йилнинг 11 февралда Анджон вилоятининг Жалолқудуқ

туманида ҳарбий чегарачи оиласида таваллуд толган қаҳрамонимиз ўрта мактабни аъло баҳолар билан татмоллади. Болалигидан шифокор бўлишга интилган қизалоқ ҳужжатларини Анджон давлат тиббиёт институтига топширади. Илк синовдан аъло баҳолар билан ўтади ва ўша йилиёқ талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлади.

1974 йили институтни тамомлаган билимга чанқок Светлана Анджон шаҳридаги 3-сонли вилоят болалар шифохонасида дастлаб болалар шифокори, кейинчалик бўлим мудири сифатида иш олиб боради. Асосий йўналиши неонатолог-реаниматолог шифокор сифатида чақалоқларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жонлантириш бўйича кўплаб бемор болаларнинг жонига ора киради. Ўша йиллари болалар орасида ўткир респиратор касалликлар авж олган бўлиб, унинг даволаниш муддати анчагина вақт оларди. Шифохонадаги амалий тажрибага эга бўлган ёш, интилувчан шифокор энди илмий илганишлар ҳам олиб бориб, тажрибани назария билан ҳаммаҳор тарзда давом эттириш керак, деган қарорга келади. Мақсаддан-мақсадга курашлар билан ўтадиган Светлана Анджон давлат тиббиёт институтини "Болалар хирургияси" кафедраси ассистенти сифатида иш бошлайди. Илмий илганишлар ўз самарасини беради, курашлар эса натижа. Тажрибали шифокор, олимпиа, изланувчан ва ўзининг қатъий фикрига эга бу инсонга орадан тўрт йил ўтиб, Анджон шаҳридаги 1-сонли кўп тармоқли болалар клиник шифохонаси беш шифокори ва-зифасини ишониб топширадидилар.

Ўн тўрт йиллик фидойи меҳнат уни "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Бошқаруви раиси этиб тайинланишига асос бўлди. Анджонда болалар билан ишлаб яхшигина тажриба тўплаган Светлана Инамованинг мазкур даргоҳда ишлаб кетиши қийин кечмади. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан фонд хисобига хорижий ҳамкорлардан маблағлар жалб этилди. Юртимизнинг экологик нуқулга бўлган чечка ҳудудларда яшовчи аҳолисига тиббий ёрдамлар ажратилиб, "Саломатлик поездлари" акцияси доирасида бепул дори-дармон,

кийим-кечак, санитария-гигиена воситалари етказиб берилди. Бу мақсадли сафарнинг аҳамиятли томони шуки, ўз ишининг устаси бўлган тажрибали шифокор ва ҳамширалардан иборат катта гуруҳ ўша олис ҳудудлардаги аҳолини бепул тиббий кўриқлардан ўтказди. Натижада кўплаб хасталиқларнинг олди олинди, тиббий маслаҳатлар берилди.

Мазкур жамғарманинг давлат идораларига тақлиф сифатида тақдим этган бир қатор тегишли тиббий, ижтимоий, гуманитар ва инвестиция дастурлари уларни амалга оширишга қаратилган тегишли ҳукумат қарорлари билан қўллаб-қувватланди.

Бевосита уларнинг етакчилигида иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш учун қўшма таълим дастурларини яратиш ва амалга ошириш, юртимиздаги тарихий жойларга таътил саёҳатларини уюштириш, экологик жиҳатдан нуқулга ҳудудлардан келган болалар учун дам олиш имкониятларини яратиш, бошқа халқлар, миллатлар маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, оила кутубхоналари ва китобхонлик фаолияти тарғиботини кучайтириш каби ишлар яхши самара берди.

"Дунёда инсон саломатлиги, унинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан баркамоллигидан ортиқроқ бойлиги йўқ. Жамият ва давлатнинг энг катта бойлиги ҳам фуқароларнинг саломатлигидир. Инсон тани-жони соғ бўлган жойдагина соғлом фикрлайди ва жамиятга ҳам соғлом фикрлар беради", деган гоёни доим илгари сурган Светлана Инамова асримиз бошларига БШ вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига тайинланди.

Бу лавозимда иш бошлаган илк кунлариданок (у даврда ҳали вазирилик ва идораларда матбуот хизматлари шаклланмаган эди. Газета ва радиоларда, телевидениеларда ушбу ташкилотларнинг фаол вакилларигина бўларди) кўмитанинг матбуот хизматини ташкил қилиб, малякали ходимларни ишга тақлиф этди. Республика бўйича хотин-қизлар фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, билимли қизларга ҳомиёлар жалб этган ҳолда ўқиш ва изланишлари учун имкониятлар яратиш каби хайрли дастурларни

амалга ошира бошлади.

Бугуннинг муҳим аҳамиятга эга масаласи бўлган ёшларни тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтказишдек хайрли ташаббус уларнинг тақлифи ва саъй-ҳаракатлари билан бошланган эди.

Республикага яхши танилган "Йил аёли" кўрик-танлови 2007 йил илк бор Хотин-қизлар кўмитасининг гоёси асосида ташкиллаштирилди. Танловда рўзгор ишларини тиндирган, ўзар вақтни буйсундирган, оиласини тотувликка кўндирган, оқила, урдабурон бекаларимиз иштирок этишган. Улар ҳар қандай шароитда илдизлари меҳр дарёсига етган гуллар каби яхши яшашга, голиб ва фаровон турмушга интилувчи аёлларимиз эканликларини исботлашганди ўшанда.

"Соғлом аёл — буюк келажак" гоёсини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шугулланишга жалб этиш чора-тадбирлари дастури доирасида бевосита уларнинг масъуллигида республикада Гимнастрада фестивали, "Тўмарис" хотин-қизлар спартакиадаси, синхрон сузиш, стол тенниси каби бир қатор спорт мусобақалари ўтказилди.

Исми жисмига мос бўлган опа табиятан яшилликни, табиятини севувчи инсон бўлганлиги боис қарерда ва қайси соҳада ишламасин, ўша ерни бўстонга, гулу гулзорга айлантиришга эришган.

— Мени хавотирга соладиган муаммолардан бири бу — инсон ўзи яшаб турган хонадонидеги тартибсизлик, экинларнинг режасиз экилиши, қаровсиз, парваршишсиз гуллар, дарахтлар; тартибсиз ва озода бўлмаган хонадон. Шундай хонадонга кирсам, диллим хира бўлиб, кайфиятим тушиб кетади. Баъзан ҳаётда ҳовлисига бир тул гўл ёки мевали дарахт экиб ўстирмаган, ариқ қазиб сув келтирмаган лоқайд кишилар ҳам учрайди. Бундай ота-оналар ўзларидек лоқайд, меҳнатни севмайдиган, дидсиз, келажакда мустақил ҳаётга пухта тайёр бўлмаган болаларни тарбияламайдими? Инсон табият билан яхлит бир вужудга айлансагина, у эзуликлар ярата олиши мумкин, —



дейди куюнчақлик билан қаҳрамонимиз. Светлана Инамова хизмат сафарларида юриб, ўз ишининг асл мутахассисларини пойтахтга тақлиф қилар, кўмиша ишини юксалтириш мақсадида истеъдодли хотин-қизларга доим эҳтиёж сезарди. Улар нафақат аёллар, балки иқтидорли ёшларга ҳам бефарқ бўлмасди. Ўқиш ва изланишлари, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топишлари учун яқиндан кўмак беради. Улар ишлаган йилларда мамлакатда хотин-қизлар ҳаёти ва фаолияти сезиларли даражада юксалди.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ҳодими" фахрий унвони, I даражали "Соғлом авлод учун" ордени, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Светлана Инамова умрининг муборак 75 баҳорини қарши олмақда.

Бугун ушбу улуг ёшда ҳам жамиятда ўзининг ҳаётий ютуқлари билан фаол иштирок этиш баробарида, оилада вафот этган умр йўлдошининг дуои жонини қилиб, қизи Лолахоннинг, ўғли Асқаржон, келини, кўёви, шириндан-шарқ тўрт набирасининг ютуқларидан қувониб яшамоқда.

"Миллатнинг келажиги оналар қўлидадир", деб ёзган эди буюк француз адиби Бальзак. Светлана Турхунжоевна каби ҳаёт йўли ҳам исмидек ёруғ, умри фидойилликка туташ аёллар боис бу ичмач фикрига ҳақиқат барча халқларнинг ягона ҳақиқатиға айланган.

Феруза ОРНПОВА.

ИЖОДИЙ ҚИЁФА

“Айтгим келар яшил-яшил сўз...”

Ҳақиқий шоирнинг рутбаси қандай бўлади? Бундай мартабанинг мезонлари қанақа? Бу борада жаҳон адабиётшунослигида аниқ, қатъий белгиланган мезонлар, алоҳида муҳрланган қонунлар йўқ. Шундай бўлса-да, ҳамма тан оладиган бир қорда бор: ҳар қандай ижод кибру ҳаводан холи, самимий ва нафис бўлиши керак. Таниқли шоир Ғайрат Маждид ижодидида самимий фазони, дилкаш кинотни кўрамаиз.

Ғайрат Маждид сўз юкни, унинг маъно салмоғини теран тушунади, шоирнинг нозиктаб шеърлятида ҳар би сўзнинг ўз вазиғаси бор. Унинг ижодий кўлами мавзу жиҳатидан жуда ранг-баранг, шоир ижодидида ижтимоий лирика ҳам, сентиментал ва дидактик-прагматик шеърлят намуналари ҳам мавжуд. Шоирнинг 2025 йилда иккита тўплами чоп қилинди: шеърлар ва достонлардан иборат “Оппоқ табассум” китоби ҳамда “Ишқ айёми” шеърлий тўплами. Ҳар икки тўплам чиройли ва ўзига хос дизайнда чоп этилган. Ушбу мақолада “Оппоқ табассум” китоби мутолааси ҳақида сўз юритсак. Ушбу тўпладан шоирнинг 142 та шеъри жой олган. Шундан иккитаси достон бўлиб, “Ҳўжа илм-кони” ва “Адабиёт боғи” деб аталади. Даставвал китоб номи эътиборимизни тортиди: “Оппоқ табассум”. Қизик, табассум ҳам оқ бўладики? Табассумда нафақат ранг, балки иссиқлик ва совуқлик, ҳарорат ва оташ, оҳанрабо ва дил-тортарлик, балки шоир кўнглининг навозишлари ҳам акс этади. Оппоқ табассум бу куруқ сифатлаш эмас, поэтик образ. У орқали шоир кайфиятини, шоир хаёлини банд қилган руҳий ҳолатни англасак бўлади. Шоир бу билан қалб тозаллиги, руҳ мунававрилигига ишорат этмоқчи бўлган, назаримизда. Бизнинг асримизга келиб шеърлятда ранглар поэтикаси билан боғлиқ тушунчалар кўп қўлланила бошланди. Лирик қаҳрамон кайфияти ва руҳиятига қараб поэтик образлар рамзий юк, кўламдорлик касб этмоқда. Адабиётшунос олим Улугбек Ҳамдам айтганидек, образнинг кучи, жозибаси яна шундаки, у шоир ифодаламоқчи бўлган фикр, ҳис-туйғу ва кечинмани маъно жиҳатидан товлантириб беради. Яъни ўз кайфиятини, айниқса, рамзий образ орқали акс эттирган шоир шу нарсага эришадими, энди уни ҳар ўқувчи ўзига таниш манзараларда тушунади. У яратган образлар муҳлислар қалбидида янгидан инкишоф этилади. Олим бир ўринда ўқирадими, ҳар бир давр образга муайян ғоявий, бадиий, эстетик ва маънавий юк юклайди.

Айниқса, ижтимоий лирикадаги бадиий қаҳрамон образининг эстетик вазиғаси ҳамма даврга қараб ўзгариб туради. Улугбек Ҳамдам айтганидек, “чунки образ муаллиф ва ташқи дунё ўртасидаги ўзига хос алоқа воситасидир. Образ объект борлиқ ва шоир — субъект ўртасида барпо этилган энг ишончли кўприк. Ҳассос ўқувчи бу кўприк орқали бир вақтнинг ўзида ҳам шоирнинг бадиий эстетик оламига, ҳам у яшаган даврнинг ғоявий-маънавий сарҳадларига саёҳат қилиши мумкин”.

Шоир Ғайрат Маждид ижодидида жуда баланд кайфият, оптимизм, пафос борки, шоир ижодий хаёли шу боис доим оқ рангларга чулғаниб, товланиб туради. Шоир оқ ва яшил рангларни ўзгача ҳиссий сатҳда қадрлайди. С.Утанова тадқиқотларида айтилишича, инсоният тарихида рангларнинг турли рамзий маъносига бўлиб, улар маълум жамият гуруҳларининг этник, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги у ёки бу ҳақиқатларни акс эттирган. Одамлар рангни энди фарқлай бошлаганларида дастлаб оқ, қизил ва қора рангни ўзаро ажраттишган. Улар оламни тушунишдаги мифологик тасавурларида (масалан, қизил ранг орқали олов, қуёш ёки қон, ҳаёт жўшқинлигини тушунганлар), урф-одатларда (қора ва кўк ранглар мотам белгиси), давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида, ҳатто туш кўраганда (масалан, яшил ранг бахт ва омад рамзи) ҳам маъно-мо-

хиятни бевосита ранг билан боғлашган. Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муслмонларга қарата: “Узларингга оқ кийимни маъқул кўринглар, яъни оқ кийинглар, чунки у кийимларнинг покроғи ва яхшироғидир”, дедилар”. “Авесто”да Анахитанинг айнан тўртта оқ тусдаги от қўшилган аравада юриши ҳам оқ рангдаги улғуворлик, кучлилик сифатларига ургу берилганлигидан далолатдир. Яна бир ўринда С.Утанова таъкидлайдики, “Оқ ранг кун ёруғлигининг мифологик эквиваленти бўлиб, ҳар доим эзгулик мазмуни касб этган, шунингдек, бу ранг ҳаётбахш омиллари — сут ва буғдойни, чанқоқлиқни босувчи, танани поклаш килувчи — сувни, булутлар, ҳалоллик, ёруғлик кабиларни ўзида ифода этган. Шу боис энг қадимги даврлардан оқ ранг билан эзгулик, кўпайиш ва илоҳийлик каби хусусиятлар боғланади”. Олтойликларда оқ ранг тўғрилиқ, гўзаллик, улғуворлик маънолари билан бирга, улуг



тангрининг яратувчилик ва яхшилик кучларини йиғувчилик сифатларини ҳам билдирган бўлса, Жанубий Сибирдаги туркий халқларда эса оқ ранг эпик ва тарихий ном сифатида ҳам учрайди: Оқ Қорон, Оқ Мўлат ва бошқалар. Н.Б.Бахилинанинг эътирофи эътиҳа, қадимги руслар учун оқ ранг фаршларнинг мартабаси, саодатли қиёфасини тамсил этган.

Демак, оқ ранг қалби тоза кишилар билан боғлиқ улғуворлик, кучлилик маъноларига яна бир ишора этилиши билан боғлиқдир. Одатда, ҳиссий ва кечинмаларнинг, кайфиятнинг ранги бўлмайди ва бу рамзий ном бўлиб, шоирнинг дунёга муносабатини, унинг ҳаётий аъмолини ифодалайди. “Оппоқ табассум” — шоирнинг ҳолатлар китобидир, ижтимоий лириканинг тараннумидир. Шоир ижодидида ёруғ, очик ранглар устувор. Оппоқ табассум поклик, оҳорлилик жилваси, дунёларга яхшилик соғинган поэтик қаҳрамоннинг дунёга нуқтаи назари-дир. Яшил ранг ҳам шоир учун муҳим эстетик-фалсафий маънони англайди:

**Ойнинг чехрасидан ўпаман аста,
Менинг дунёларим ям-яшил ҳислар.
(“Ойнинг чехрасидан”, 205-бет)**

Аслида, яшил рангни барча гўзаллик аҳли бирдек қадрлайди. Шоир Эшқобил Шукурда “Яшил кушлар”, Рашид Нури Гунтекинда “Яшил кеча” ташбехлари бор. Ҳалима Аҳмад ҳам бир ўринда шундай дейди:

**Эй, зулматни
нурга айлантирувчи,
Иймон кенглигида сургувчи хаёл
Сочиб ташланганмен сенинг пойингда
Яшил кундан қолган гардман, эҳтимол...**

Шу шеър давомида шоира:

**Кўзимни очаман,
яшил боқар тонг... —**

мисраси орқали мунававв тонгни гавдалан тиради. Шеър сўнгида эса:

**...Ҳаёт томирида оқаман яна,
Ўзимга сиғмайди ўзимдаги дил.
Жонимга нафасинг теккан чоғида,
Раббим, нигоҳларинг нақадар яшил, —**

мисраларини битар экан, фикрнинг қуюқлиги, айтилмоқчи бўлган сўзнинг шиддати қалб-бингизга ўқтам руҳ беради: “Раббим, нигоҳларинг нақадар яшил”. Шоирнинг “Яшил кун”, “Яшил тонг”, “Яшил нигоҳ” поэтик образларидаги нафислик, кайфиятнинг тиниқ ифодасини кўриб ўй ва тахайюлга бериласиз. Ғайрат Маждид шеърларидаги самимият ва ўқтамлик ҳам ана шу мисралардан қолишмайди. Шоир ўз хисларини ҳам, сўзларни ҳам яшил рангга кўради:

**Қартайган дунёга,
Кекса дунёга
Айтгим келаверар яшил-яшил сўз.
Маним гул кўнглимга,
Баҳор кўнглимга
Нимадир демоқчи бўлапти куз...**

Бу ерда “Айтгим келаверар яшил-яшил сўз...” сатрига диққат қилинг. “Яшил-яшил” жумласи, энг аввало, бадиий тақрир намунаси сифатида келяпти. Одатда “яшил” сифати усимлик ёки баҳорга нисбатан ишлатилади, бироқ бу ерда у “сўз”га нисбатан қўлланиб, сўзнинг янгилиги, жонлиги ва умидбахшлигини ифодаламоқда. Сўзга ранг бериш орқали кучли кўчим ҳосил қилинган. У бу ерда истиора сифатида ҳам қўлланиляпти. У сўзнинг нафақат рангини, балки унинг ички мазмунини софлик ва яшнаш маъноларини кучайтириб кўрсатади. Шоир бу дунёга “яшил-яшил сўз”ларини издор қилмоқчи. Табиийки, яшиллик яшаш ва яшариш, тириклик, навқиронлик белгиси. Аммо куз йўриғи бўлак. У шоирнинг бадиий кечинмаларини “сарик”қа — айрилиқ рангига бўямоқчи. Бадиий қаҳрамон, аслида, куз фаслини ҳам ўзгача яхши кўрар эди. Ногаҳон куз фаслида отасидан айрилди. Унинг дунёлар остин-устун бўлди, айрилиқдан кўнгли маҳзун бўлди. “Сабоқларга ташна бола мисоли Қаршинда турибман, эй муаллим куз”, дейди поэтик қаҳрамон. “Муаллим куз” — янгича поэтик ифода. Шоирнинг чиройли ташбеҳи. Демак, куз фасли инсонларга ёшлик, тириклик оний эканлигини, ҳаётнинг, яқинларимизнинг қадрига етишимиз кераклигини ўқитиб келатган муаллим. Ундан етарли сабоқ ола туриб ҳам, барбери кўздан яшиллик умид қилмай, ноумид бўлар экан, тушкунликка тушар экан. Одам боласи эса орзу-умиднинг ошуфтаси:

**Сенга ишонаман, эртага менга
Яшил кўлларингни узатсан, куз.**

“Яшил кўллар” — бу ҳам поэтик ифода. Унда эртанинг мунававрилиги, умиди ва орзулари бор. Шоирнинг ушбу шеъри бақувват поэтик таъсир кучига ва ибратли сюжет чизигига эга.

Шоирнинг “Адиблар хиёбони” (293-301-бетлар) достони ижтимоий-маърифий асар бўлиб, мухташам хиёбонда ҳайкаллари бор барча адиб ва шоирлар сиймоси ва ижодий мероси сўз ўйини, истиора ва жонлантиришлар орқали қаламга олинади. Ҳар бир инсон энг аввало ўз даврининг фарзанди. У яшар экан, ўзи истикомат қилаётган заминдаги шарт-шароит, жами шодлигу қувончлар унинг ҳамроҳидир. Эндиликда қилардир Ватан ҳақидаги шеърлятни маддоҳликка йўзидилар. Аслида, ҳар биримиз шу замин ва шу тупроқ учун, тирикчилигимиз учун ҳар дақиқдада шукрона қилишимиз лозим. Ижтимоий ҳаёт, социум ҳар бир инсоннинг ҳаёт графикаси, умр чизигида акс этган борлиқ. Шу маънода шоирнинг бу тўплами кўнгли фазосини кенгайтирган китоб бўлибди,

дейиш мумкин. Юрак доим яхшилик соғиниб яшайди, эртани соғиниб кутади, эзгу ният қилади, шоирнинг ушбу китоби оппоқ табассумнинг, яхши ниятларнинг нафосатли тажассуми бўлибди:

**Дил доим тип-тиник, бол булоқ бўлсин,
Қор каби совуқмас, қордай оқ бўлсин.
Соф, комил иймонда жонинг соғ бўлсин,
Ўзин ёр, пирларни мададкор этсин.
(“Оқ ният” шеърдан, 229-бет)**

Шоирнинг поэтик қаҳрамони ҳамма ошқ ва хокисор нигоҳ билан оламга назар ташлар экан, ўзида ажиб бир журъат топиб, уйғоқликка даъват этади. Чунки:

**Ҳақдан менинг руҳимга
Чўғ тушган, зиё тушган.
Юрагимнинг боғига
Булбулгўё тушган.
...Ёр номини ёд айлаб,
Пайғомини ёд айлаб,
Мудом уйғоқ этгучи,
Сўз тушган, садо тушган...
(“Ҳақдан менинг руҳимга”,
235-236-бетлар)**

Тўплагма қирган “Янги Ўзбекистон алёри”, “Ватан байроғи”, “Азиздирсан, эй инсон”, “Она тилим”, “Авлодлар қўшиғи”, “Навойдан топдим”, “Наврўз ўлани”, “Жадиб боболарим”, “Уйғон”, “Она Туркистон” шеърлари ана шу уйғоқ қалб ва ижтимоий фаол инсоннинг бадиий образларидир.

Ғайрат Маждид шеърлятида миллий руҳ ва миллий тафаккурнинг бадиий ифодаси қўйма иборалар, оҳорли сифатлашлар ва ташбехларда ҳам акс этади.

**Учиб кетди оламга Оқсаройдан
оқ хатлар,
Оқ хатлар эмас улар, соғинч фироқ,
ҳасратлар.**

**Руҳи жонимга туташ,
мулки сўнгсиз сарҳадлар,
Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли —
Бобур.
(“Ватан хаёли”, 71-72-бетлар)**

Бу ерда шоир Бобурни Соҳибқирон бобо-сининг тоза ниҳолига менгазайди. Ниҳолнинг келажиги, эртаси бор, у ларзон мевалар бериши тайин. “Тоза ниҳол” образи ўзбек руҳиятини, ўзбек характерини ифодалагани билан шеърни бадиий юксаклигига олиб чиққан. Муҳими, шоир шеърларида рамзалар, тимсоллар тили билан миллатнинг эрк ва озоқликка интилиши туйғуси ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган. Шоир ўз ижоди орқали Янги Ўзбекистоннинг бадиий солномасини қаламга оладики, юртимизда рўй бераётган шукуҳли ўзгаришлар, халқимиз руҳиятидаги баландлик ва хуш рангларни очиб беришга интилади. Бу билан ижтимоий лирикадаги ҳаётчанлик, фаоллик хислатларини бойитади:

**Неки бунёд бўлди, бордир меъмор,
Янги иморатлар — бу янги баёт.
Кўксимда кўнглимнинг шонли изҳори —
Бетимсол шахарлар бўлмоқда бунёд.
Бу янги ҳаётдан ишоратдир, дўст,
Нурли келажакдан башоратдир дўст!
(“Янги Ўзбекистон алёри”, 19-20-бетлар)**

Шоир ижоди учун пафос устувор фазилат десак бўлади. Беихтиёр бу умуминсоний ҳислар китобхон қалбига ҳам кўчади.

Шоирнинг ижодиди сафарнома шеърлар кўп. Ушбу китобда шоирнинг 22 та сафарнома шеъри жой олган. Қизиги шундаки, шоир касби тақозоси билан сафарларда кўп бўлади, бинобарин, унинг ижодидида дам Қора денгизнинг шовуллашлари, дам Нева дарёсининг “тўлғаниб оқишлари” дам Истанбул ёҳуд Боку, Ганжа



каби шаҳарларнинг ажиб таассуротлари, ҳазрат Навоийнинг “хоки мусаллоси” қошидаги теран ўй-қарашлари ва шунга оид поэтик образлар кўп учрайди. Ҳар бир сафарнома шеърлардаги образли ифодалар қаҳрамонлар, ҳолатлар ва воқеаларни ўқувчи кўз олдида гавдалантириб, уларнинг руҳий кечинмаларини ўз бошидан кечиргандек таассурот уйғотади. Улардаги ҳар қандай тимсол, рамз лирик қаҳрамон билан маънавий-руҳий яқинлик, бир бутунлиқни ҳосил қилишини кўрамаиз. Ҳар бир шоирнинг ижоди ўзи ашаб турган она тупроқ, ўзи туғилиб ўсган манзил, уни воёга етказган эл-улуси мадҳи, кўрган-кечирганларнинг поэтик таърифи ва кўнгли оламнинг муқоясасига айлана олса, умуминсоний тафаккур хазинасига оз бўлса-да, ҳисса қўша олма, демак, унинг туйғулари беиз кетмабди, кўнгли битиклари ўз эгасини топибди, десак бўлади.

Баъзида шоирнинг поэтик қаҳрамони “бой-чечакка”, “сингилчасининг соҳидида жама-лакка”, “бир кунгина яшайдиган капалакка” ҳам “дўнишни” истайди. Чунки баъзида унинг ҳис-туйғулари бегубор, армонсиз гўшаларни ҳам орау қилади:

**Оқ, бегубор дунёлар қайда?
Минга армон кўксимни ёрар.
Умрида бир баҳорни кўрган
Бойчечакка айланган келар.
(“Булбуллакка айланган келар”, 206-бет)**

Абдулла Орипов Эшқобил Шукур ижоди ҳақида гапириб: “...Ҳар қандай ясамалиқдан, ҳар қандай фикрбозликдан, ҳар қандай сохта оҳанглардан холи бўлган бу шеърлятда дил-кашлиқни, самимиётни, меҳрни, куйинчалликни, теранлиқни, гўзаллиқни учратасиз”, деган эди. Бизнингча, ушбу иқтибосни Ғайрат Маждид шеърляти ҳақида ҳам айтиш мумкин.

**Эҳ қандайин бола эдим-а,
Бош шу бўлса, сўнгим не бўлар.
Синглим, тўқини сочларингда гул
Жамалакка айланган келар.
Бу дунёга нелар тўлмади,
Ҳеч тўлмаган дил қачон тўлар?
Бутун умри бир кундагача тенг
Капалакка айланган келар.
(“Булбуллакка айланган келар”, 206-бет)**

Шоир Ғайрат Маждиднинг ижодидида ана шу самимиёт, бегуборлик кўнглини ҳам мунававв қилади, унга қувват ва таскин беради. Чунки бадиий ижоддан мақсад ҳам, аслида, шу.

Гуляндом ТОҒАЕВА,
филология фанлари номзоди,
Чирчиқ давлат педагогика
университетининг доценти.



ВОҶЕИЙ

ҲАЙИТМАЛК

Мана, юртимизда Рамазон шукуҳи кезмоқда. Бу саховат ойда энг эзгу амаллар бажарилади. Масалан, узоқ-яқиндаги қариндошлар, ночор оилалар ҳолидан хабар олинади. Уришиб қолганлар ўртадаги гина-қудуратни унутиб, ярашишади. Энг асосийси, бу муборак ойда ота-оналаримизни зиёрат қилиш одатга айланган.

Эргаш ака якка-ю ягона ўғлини уйлантирди. Кўшниси Рустам ака билан қудандалиқ ришталарини боғлади. — Уғлим, мана энди сен ҳам бир кичкина оиланинг бошлиғи бўлдинг. Энди сенинг зиммангда икки қарра масъулият бўлади. Шунинг ҳеч қачон ёдингдан чиқармагин. — Хўп бўлади, дадажон, — дея қўзида севинч ёшлари билан отасини бағрига босди ўғил. Беҳзод ёшлигидан ҳарбий соҳага ки-зикарди. Шу қизиқиш уни армияда танк билан дўстлашишга ундади. Шу боис йигитлик бурчини ўтаб бўлган, шартнома асосида яна ҳарбийликдаги ишини да-вом эттирди. Хизмат туфайли қўшни ви-лоятда яшаб қолди. Ота-онасини кўриш

учун қишлоққа келиб кетишга ҳам вақт тополмайдиган бўлди. Кўпича фақат теле-фондагина хол-аҳвол сўрашарди. — Бир қишлоққа бориб келсак, яхши бўларди. Бир-икки кун аввал телефонда уйдагилар билан гаплашганим, дада-жонимнинг товлари йўқ эмиш. Тинмай сизни сўраётган эканлар, — деди бир кун аёли. — Майли, бугун ишдан рухсат сўраб кўраман. Сен тайёр бўлиб тур, байрам баҳона уйдагиларни зиёрат қилиб кела-миз, — дея жавоб қайтарди Беҳзод. Шундан кейин ишга йўл олди. Нав-батчиликда турганида отасига телефон қилди: — Ассалому алайкум, дадажон! — Болам, яхшимисан? Мен ҳам тузук-ман. Фақат шу юрак кўргур бевозта бў-ляпти-да. Сени жудаям соғинганман. Қа-чон келасан? — Тез кунларда бораман. Мен ҳам сизни соғинганман. — Ҳа, майли, болам. Сени бир кўр-сам, армоним қолмасди. Отасининг бу гапидан Беҳзоднинг юраги шув этди. — Ҳали кўн яшайсиз, дадажон. Нева-

ра-чевараларнинг тўйига ўзингиз бош бў-ласиз, — деди кўнгли алланечук бўлиб. Фарзандининг бу гапини эшитган ота-нининг кўнлида бироз бўлса-да, яшашига бўлган ишонч пайдо бўлди. — Тўри айтасан, сени ўзим кутиб ола-ман. Ўз кўлларим билан сенга ва набира-ларимга ўчоқда ош дамлаб бераман. Шу билан улуг байрам — Рамазон ҳай-ити арафасида Беҳзод қишлоққа от-ланди. У ота-онасига, қариндош-уруғла-рига ҳайитлик олди. Бу пайтда бечора чол-кампир фар-зандлари келишига катта тайёргарлик кўришди. Чиройли дастурхон безатиб, ўчоқда паловхонтура дамлашди. — Чол, ертўладан ўз кўлларим билан ёлган шарбатлардан олиб чиқинг. Наби-раларим яхши кўради-да. Уларни бир хурсанд қилай, — деди кампир. — Хўп, — дея чол қоронги хонадан компот олиб чиққани кетди. Нима бўлди-ю, отанинг оёғи сир-паниб, боши билан ерга йиқилди. Бир-оз вақт ўтган, кампир чолини қидириб ертўла томон борди. Не кўз билан кўр-синки, чоли ерда чалажон ҳолда овози-чқмай ётарди. Дарров қўшнларни ёр-

дамга чақирди. Ҳартугул, хушини йўқот-маган экан. Иссиқ хонага олиб кириб, ке-ракли муолажалар қилишди. Ота ўзини билиб-билмай ётарди. Орадан тахминан 3 соат вақт ўтди. Шу маҳал тўсатдан бечора отанинг аҳволи ёмонлашди. Юрак уриши секинлашиб, нафас олиши қийинлашиб бораверди. Бу орада ўғил телефон орқали онасидан отаси ҳақида сўради. Онаизор узоқ йўл-даги фарзандининг кўнглига гулгула сол-маслик учун “Яхши, яхши”, дейишдан на-рига ўтолмасди. Онасининг далдасига ишо-ниб, ўғил бемалол йўлини давом эттирди. Аттанг, ота ўлган берган ваъдасини бажара олмади. Жони узилди. Беҳзод эса роппа-росса 5 соатдан кейин жондан азиз уйига кириб келди ва бу воқеани кў-риб ҳайрон-у лол қолди. — Дадажон, кутиб оламан дегандин-гиз-ку. Нега бундай қилдингиз? Сизга ҳай-итлик олиб келатганим-ку!.. — дея бўлди йиғлаганча қўлидаги совгаларни силкитарди у. Атрофдан эса уни юпатувчи, далда бў-лувчи гаплар эшитила бошлади. Ниҳоят, ҳайит намозидан сўнг жаноза ўқилди ва Эргаш ака абадий манзилга кузатилди. Буни тақдир дейдилар. Онасининг да-воми бўлишини билмас экан. Шундай экан, азиз ота-оналардан доимо хабар олиб турайлик. Агар ҳаёт бўлишса, жан-нат қалитларимизни асраб-авайлайлик. Оламдан ўтишганида ҳақларига дуолар қилиб, доимо қалбимизда эслаб турмо-ғимиз даркор!

Муҳаммадсолиқ ТўРАЕВА.

МУТОЛАА

ҲАЖВЧИНИНГ ЖИДДИЙ КИТОБИ



Эътироз билдиришга шошилманг — гап жанр ҳақида кетяпти. Ҳажвчи қалами кучини (тиғини) жамиятдаги муаммо, камчилик, иллату турли хангомаларга қаратади. Кулги билан ўша муаммо бартараф бўлишига, ўқирманлар иллатдан узоқлашишларига хизмат қилади, ҳисса қўшади. Кулдириб куйдиради, куйдириб йиғлатади ҳам.

Таниқли адиб Ҳабиб Сиддиқ адабиётнинг энг оғир "фронти" — ҳажв майдонида ўз ўрни, ўз услуби, ўз ўқувчи, томошабинларига эга ижодкор. Адиб қаламига ва таржимасига мансуб комедиялар юртимиз театллари сахналарида, телеэкранларда намойиш қилиб келинаётганига ярим асрача бўлиб қолди. Ҳажвиёти жамланган тўпламлари сони ҳам анчагина салмоқли. Утган даврда ёзувчи қаламига мансуб ҳажвчи ва хангомалар қозоқ, рус, инглиз, турк, қирғиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиниб, қадим Туркистон сарҳадларидан ҳам ошиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Шухрат" медали соҳиби, кўплаб танловлар голиби Ҳабиб Сиддиқни шу кунгача ҳажвчи ёзувчи ўлароқ билардик ва янги асарларини мушток кутардик (ёзувчи қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича етук олим ва мохир педагог сифатида юзлаб талабаларга сабоқ бераётгани алоҳида мавзу).

Адиб навбатдаги китоби билан ижодининг яна бир қиррасини намойён этди. "...Публицистика ҳар қандай ўтиш даврида жамият ҳаётидаги мавжуд муаммолар томон юз боради, ўзгаришлар, янгиликлар ривожини синчковлик билан кузатади ва таҳлил этади. Бундай публицистикани бир ижодкорнинг фаолияти ёки куюнчақлиги дейиш-

дан кўра, жамиятнинг фикрловчи, мушоҳада юритувчи, миллат тақдирига бефарқ бўлмаган илгор қатлами вакилларининг ижтимоий фаолияти дейиш тўғрироқ бўлади.

Андижонлик адиб Ҳабиб Сиддиқнинг "Ватандан айро баҳар" сарлавҳали мақола ва тўпламини ўқиб, шу мушоҳадалар кўнглимдан ўтди.

Юқоридаги иқтибос Ҳабиб Сиддиқ китобига ёзилган мухтасар "сўзбоши"дан олинди. Адибнинг салкам ун беш босма табоқли китобига публицистик мақолалари, эсселари ва мушоҳадалари киритилган.

Муаллифнинг мақола ва эсселари ўзи тугилиб ўсан Бўтақора қишлоғи ёки талабаларга тахсил бераётган соҳа билан чекланиб қолмайди. Китобдан истиқлол даврида, айниқса, сўнгги саккиз-тўққиз йилда юртимизда амалга оширилган ислохотлар кўлами, давр қаҳрамонлари ҳаёти ва фао-

лияти, шу билан биргаликда жамият тараққиётига тўқинлик қилаётган турли салбий унсурлар, келажакимиз эгалари бўлмиш ёшлар тарбиясида эътибор берилиши керак ва шарт бўлган миллий қадриятлар қаламга олинади, аниқ манзил ва шахслар мисолида мохирона ёритиб берилади. Адиб ҳажвчи ўлароқ публицистик мақолаларида ҳам бир чимдим хангома ёки ибратли латифани, албатта, қистириб кетадики, булар мавзу ўқирманларга тушуниқли бўлмоғи ва таъсир қилмоғида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тўпламдан олим-ёзувчининг ўз ҳамкасблари, илму фан фидойилари ҳақидаги эсселари, тўхатлари ҳам ўрин олган. Қўшни қондош халқлар адиблари билан учрашувлар, адабий ҳамкорлик, глобал силкинишлар замонида аҳли қаламни бирлаштирувчи омиллар ҳақидаги мушоҳадага етакловчи мақолалари залвори анча кенг ва ўқимшли.

Тўпламнинг асосини ҳаётий ҳақиқатлар — кечаги ва бугунги кунимиз кишилари образлари ташкил қилишини алоҳида эслатиш асосида китобдан "Тўқилмаган ҳикоялар" туркуми ҳам ўрин олгани, бу ҳикояларда адиб қаламга олган хангомага ўхшаш воқеаликлар орқали муштарини атрофига жиддий қараб, жиддий фикрлаб, жиддий яшашига ундашини эслатиш уринли.

Ҳажвчининг ушбу жиддий китобига киритилган саксонга яқин мақола, эсселарга алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз. Яхшиси, бу китобни ўқиш керак.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари
аъзоси.

ТАЛҚИН

ПИНГВИННИНГ ОҚ ва ҚОРА ТОМОНИ



Тўдасидан ажраб, одатта хилоф равишда денгизга эмас, тоғ томон йўл олган пингвин ҳақидаги видео ижтимоий тармоқларда кенг оммалашди. Ҳатто реклама воситасига ҳам айланб улгурди. Айрим фойдаланувчилар қушнинг хатти-ҳаракати ва оқибати ҳақида қайғурди, видео ортидаги ғояни англашга ҳаракат қилди.

ҚОИДА

Пингвинларнинг 16 та тури мавжуд. Улар тўда бўлиб яшайди. Чунки бу "қаноти қайрилган"лар учун хавфсизлик ва иссиқлик манбаидир. Тўда ичида мулоқот яхши ривожланган. Пингвинлар, асосан, Жанубий ярим шарда — Антарктиданинг совуқ музликларидан тортиб, Янги Зеландия ва Жанубий Американинг нисбатан илқ қирғоқларига тарқалган.

ҚОИДАНИНГ БУЗИЛИШИ

Машҳур видео немис режиссёри Вернер Герцогнинг "Дунё чеккасидаги учрашувлар" номли ҳужжатли фильмидан олинган. Суратта олиш жараёнида Герцог Антарктидадаги Макмердо станциясида тахминан етти ҳафта яшаган.

Режиссёрнинг мақсади муз остидаги ҳаётни кўрсатиш ва цивилизациядан қочиб, Антарктидага келган одамлар билан суҳбатлашиш эди. Бироқ фильмнинг энг кучли таъсир қолдирган қисми инсонлар ҳақида эмас, балки пингвин иштирокидаги сўнгги саҳна бўлди.

Камерада бир пингвин тўдасини ташлаб, океан томон эмас, балки улкан тоғлар сари, тахминан 70 километр узоқликка ёлғиз йўл олгани акс этган эди. Зоологининг айтишича, бундай ҳолат кам учрайди. Айрим пингвинлар йўналишини йўқотиб, океандан узоқлашади, тўдасини тарк этади ва омон қолмайдиган жойларга йўл олади. Ҳатто уларни орқага қайтаришса ҳам, яна ўша томон юришда давом этишади. Бундай пингвинлар чарқоқдан ҳалок бўлгунча мақсадсиз кезиб юради.

Мутахассислар фикрича, бундай пингвинлар кўпинча жуфтдан айрилган ёки оғир касал бўлгани учун тўдани тарк этаркан. Жуфтини йўқотган пингвин ёлғиз қолиб очликдан ўлади, касаллари эса ўлимга тўда ичида эмас, кимсасиз жойда қарши олишга интилади.

ОҚ

Бу пингвин умумийликдан, одатийликдан, оммадан бошқача фикрлаш тимсоли бўлиши мумкин. Тарих бунга гувоҳлик беради.

Мирзо Улуғбек "юлдузлар ҳаракатсиз жисм" деган фикрга қарши бормаганида, "Зиқ"ни туза олармиди? Абу Райҳон Беруний "Ер ясси, ҳўкиз шоҳида барқарор" деган омма қарашидан қочмаганида, глобус ясаб, Ернинг нариги томонида қуруқлик бўлишини тахмин қила олармиди? Имом Бухорий агар "фақат хотирага ишониб керак" деган қоидага таянса, "Саҳиҳ"ни тўплай олармиди? Алишер Навоий "турк тили назм тили эмас" деган доғмани ёриб чиқмаганда, "Хамса" ёзармиди? Жадиждар мустамақачиларнинг кўркувини енга олмаганида, ҳаракат бошлармиди?

Аслида, ана шу сал "ғалатирок" инсонлар ҳар доим тарихни олға силжитган. Улар оқимга қарши сузгани учун эмас, балки оқим қарга олиб кетаётгани олдиндан кўра олгани учун қарши чиққанлар. Шундай эмасми?

ҚОРА

Бир томони халқдан узилиб қолиш, жамиятнинг умумэтироф этилган қоидаларини назар қилмаслик ҳалокатга бошлайди. Инсоний қадриятларни янчиб, минг-минг йиллик олтин қоидаларни назар-писанд қилмаслик ҳам тўғри эмас, бу ҳалокатга олиб бориши мумкин.

ХУЛОСА

... эса сиздан.

Малоҳат ЙЎЛЧИЕВА.

МУЛОҲАЗА

ТАЛАБАГА ФОРМА КЕРАКМИ?

Олий таълим муассасаларида кийинши меъёрлари масаласи вақти-вақти билан жамоатчилик муҳокамасига чиқади. Аслида, бу масала кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Ушбу муаммоли мунозара йиллар давомида таълим тизимида турли қарашлар марказида бўлиб келмоқда. Бу мавзу фақатгина ташқи кўриниш ҳақида эмас, балки таълим фалсафаси, шахсий эркинлик, профессионал тайёргарлик ва ижтимоий маданият ўртасидаги мураккаб боғлиқликни ўзида акс эттиради.

Кийим инсоннинг шахсий танлови, диди ва дунёқараш ифодасидир. Бироқ айрим касб эгалари, таълим муассасалари ўқувчилари учун махсус форма ёки кийиниш меъёрлари жорий этилиши ҳам амалиётда кенг тарқалган. Шундай экан, савол оддий: олийгоҳ талабаси учун форма зарури?

Олий таълим муассасаси нафақат билим бериладиган, балки маданият шаклландирган маскан ҳамдир. Ягона кийиниш талаби эса жамоавийлик ҳиссини мустаҳкамлаши, ортқича чалғитувчи омилларни камайитириши ва муассаса ўзлигини ифодаловчи маданий рамзга айланиши мумкин. Айниқса, журналистика, ҳуқуқшунослик ёки дипломатия каби соҳаларда профессионал ташқи кўриниш муҳим омил сифатида баҳоланади. Талаба ўқиш давридаёқ расмий муҳит қоидаларига мослашишни ўрганади.

Мутасаддиларнинг наздида форма ижтимоий тенглик воситаси сифатида ҳам талқин қилинади. Турли молиявий имкониятга эга талабалар ўртасидаги "кўринадиган фарқлар" камаяди деган қарашлар мавжуд. Бироқ ижтимоий тафовут фақат кийим билан белгиланмайди. У технология имконият, турмуш тарзи орқали барбир намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан форма ижтимоий муаммонинг тўлиқ ечими эмас.

Олий таълим талабанинг мустақил фикрлаши, шахсий позицияси шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ташқи кўриниш ҳам инсоннинг ўзини-ўзи ифода қилиш воситасидир. Ҳаддан ташқари қатъий чекловлар эса талабанинг ўзини эркин ҳис қилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Олий ўқув юртининг асосий вазифаси эса талабада билим, тадқиқот ва муайян соҳа бўйича кўникмаларни шакллантиришдир. Кийиниш масаласини марказий муаммога айлантириш академик сифатини иккинчи ўринга тушириб юбориши мумкин.

Шу ва шунга ўхшаш ижтимоий-маиший ҳаётимизда муаммолар пайдо бўлганида, одатда, хориз "тажриба"сидан намуна

келтирилади. Биз ҳам жаҳоннинг етакчи олий ўқув юрталари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб нуфузли олийгоҳларда қатъий талаб қилинган форма мавжуд эмас. Мисол учун, Оксфордда одатий кунларда эркин кийинишади, бироқ имтиҳонлар ва расмий маросимларда "sub fusc" деб аталадиган анъанавий академик кийим талаб қилинади. Гарвард университетига эса кундалик жараёнларда эркинлик устувор. Фақат битирув маросимларида академик мантиялар кийилади. Япониянинг Токио университетида ҳам шунга ўхшаш амалиёт кузатилади: кундалик эркинлик, расмий тадбирларда эса белгиланган тартиб. Ушбу мисоллар шунини кўрсатадики, халқаро тажрибада мувозанат модели қўлланилади. Кундалик ҳаётда эркинлик, расмий вазиятларда эса умумий стандарт.

Форма масаласини фақат эстетик ёки ташкилий масала сифатида кўриш етарли эмас. Бу ерда ижтимоий ва психологик жиҳатлар ҳам мавжуд. Ушбу масалада ҳаддан ташқари эркинлик ҳам академик муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ута очик, чалғитувчи ёки провокацион кийиниш талабаларнинг ўзаро мулоқоти ва диққатини бузиши эҳтимоли мавжуд. Шу боис кўплаб мамлакатларда минимал этик чекловлар жорий этилади.

Асл муаммо "форма бўлсин ёки бўлмасин" деган кескин танловда эмас. Муаммо қоидалар қандай ишлаб чиқилаётгани ва уларнинг мақсади нимада эканида.

Агар кийиниш талаблари академик муҳитни сақлаш, чалғитувчи омилларни камайитириш, профессионал маданиятни шакллантириш каби аниқ мақсадларга хизмат қилса, у ҳолда бу қоидалар мантиқан асосли бўлиши мумкин. Бироқ қоидалар ҳаддан ташқари изоҳсиз ёки мулоқотсиз жорий этилса, улар норозилик ва тушунмовчиликка сабаб бўлиши аниқ.

Олий таълим муассасаси — билим ва тафаккур маркази. Шу билан бирга, профессионал ва маданий муҳит ҳамдир. Ташқи кўриниш бу муҳитнинг бир қисми, ammo унинг маркази эмас.

Форма масаласида кескин қарор эмас, балки оқилона мувозанат муҳим. Тартиб ва эркинлик бир-бирини инкор этмайди. Аксинча, улар тўғри уйғунлашгандагина соғлом академик муҳит шаклланади. Шундай экан, саволга яқуний жавоб — талаба учун форма мутлақ зарурат ҳам, мутлақ ортқича нарса ҳам эмас. Муҳими, қоидалар эркин фикрни чекламаган ҳолда, академик муҳитни сақлашга хизмат қилсин.

Дилдора ДҲСМАТОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий
этиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маъзилми: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Адади: 4500

Буюртма — Г-244

Топширилиш вақти — 21⁰⁰

Топширилди — 22³⁰

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нарҳда

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Й.Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233